O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY MAJLIS PALATASI
INV.№

O'MTDP

2006-yil, 8-fevral, chorshanba, 6 (336)-son.

Миллий тикланиш — миллат келажаги

MILLIY TIKLANISH

Gazeta 1995-yil, 10-iyundan chiqa boshlagan

Haftalik gazeta

O'zbekiston "Milliy tiklanish" demokratik partiyasining ijtimoiy, siyosiy, iqtisodiy gazetasi

САХИФАЛАРНИ ВАРАҚЛАГАНДА

Навоий — маънавиятимиз қуёши

Қуёш чиққанида туман тарқалиб кетгани каби Навоий асарлари ва у ҳақдаги китоблар мутолааси кўнгилларни ҳою-ҳаваслар ғуборидан поклайди.

2-бет

ИНСОНПАРВАРЛИК ТАМОЙИЛИ

Ноҳақ ўлим жазоси тайинлаш ва ижро қилиш ҳоллари оз эмас. Хусусан, АҚШда 1900-1985 йилларда ўлим жазоси 350 нафар айбсиз шахсга нисбатан ижро этилгани расман тан олинган.

3-бет

● *Учрашувлар ва мулоқотлар*

САФДОШЛАР ДАВРАСИДА

Қуйи Чирчиқ туманида ЎзМТДП Тошкент вилояти кенгаши томонидан партиямизнинг фаоллари иштирокида «Фаол аёл - жамият фахри» деб номланган тадбир ўтказилди. Тадбирда бугунги кунда жамиятимизда аёлларнинг тутган ўрни ва уларга ҳукуматимиз томонидан яратилаётган шарт-шароитлар ҳақида сўз борди. Тадбир иштирокчилари йиғилганларни қизиқтирган саволларга батафсил жавоб бердилар. Тадбир баҳс-мунозарага бой тарзда ўтди.

***

Миллий тикланиш — миллат келажаги, келажак эса бугун ўсиб келаётган ёшларимиз қўлидадир. Кейинги вақтларда партиямиз фаоллари жойларда ёшлар билан тез-тез учрашув ва мулоқотлар ўтказиб келишмоқда.

Чирчиқ шаҳрида ЎзМТДП Тошкент вилояти кенгаши томонидан ўтказилган «Ёшлар - миллат фахри» деб номланган тадбир ҳам ана шулар сирасига киради. Тадбир ташкилотчилари партиямизнинг асосий эътибори эртанги кунимиз эгалари бўлган ёшларга қаратилганлигини таъкидлаб ўтишар экан, бугунги кунда ёшлар олдида турган ҳар қандай муаммоли масалаларни ечишда доимо улар билан ҳамфикр, ҳамнафас эканлигини айтиб ўтишди. Тадбир очиқ мулоқотлар, савол-жавоблар билан ўтди.

***

Партиямиз дастурида акс этган асосий тамойиллар шиддат билан ривожланиб бораётган замон талабларига жавоб бера олиши, юртимиз истиқболини ҳар томонлама ривожлантиришга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

ЎзМТДП Сирдарё вилояти кенгаши томонидан ташкиллаштирилган «Миллий тикланиш- юксалиш демакдир» деб номланган тадбир ана шу мавзуга бағишланди. Йиғилишда ЎзМТДП фаоллари партиямизнинг кечаги ва бугунги режалари, партиядошларимиз томонидан амалга оширилаётган ишлар ҳақида тадбир иштирокчиларига гапириб беришди.

***

ЎзМТДП Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши томонидан «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» давлат дастури асосида кенгашнинг пленум йиғилиши бўлиб ўтди. Пленумда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари О.Ўсаров, У.Исмоилов ва Б.Кушакеев иштирок этишди. Шунингдек, партиянинг Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши томонидан "Ҳомийлар ва шифокорлар йили"да амалга оширилиши лозим бўлган ишлар режаси тузиб олинди.

***

Ҳомийлик халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган азалий одатлардан биридир. Партиядошларимиз буни эътиборга олган ҳолда жойларда ўтказилаётган учрашувларда қилиниши лозим бўлган ишлар ҳақида фикрлашиб олишмоқда. ЎзМТДП Қашқадарё вилояти Қамаши туман кенгаши томонидан мактаб ўқувчилари иштирокида «Меҳр-мурувват миллий қадриятдир» деб номланган тадбир ўтказилди. Шу куни сафдошларимиз йиғилганларни партия ҳаёти билан яқиндан таништирдилар.

***

Ўзбек адабий тилининг асосчиси, ғазал мулкининг султони Низомиддин Алишер Навоийнинг таваллудига 565 йил тўлиши муносабати билан ЎзМТДП Самарқанд шаҳар кенгаши томонидан шаҳардаги 1-сонли академик лицейда Навоийхонлик кечаси ўтказилди. Шу куни шаҳардаги тиббиёт коллежида ҳам ана шундай тадбир бўлиб ўтди.

Ўз мухбиримиз

ХАЛҚ БИЛАН ҲАМНАФАС

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси ҳам бошқа сиёсий партиялар сингари республикамизда амалга оширилаётган сиёсий-ижтимоий ислоҳотларга муносиб ҳиссасини қўшиб келаётир. ЎзМТДПнинг энг муҳим стратегик вазифаларидан бири халқимизнинг бой тарихи ва ўтмиш маданияти, миллий урф-одатларини ўрганиш, қайта тиклаш, ўзбек халқининг миллий ифтихори ва мустақиллигини ҳимоя қилишдир. Шўролар тузуми даврида қатағон қилиниб қурбон бўлган ватандошларимизнинг хотирасини авайлаб-асраш, уларнинг пок номини тиклаш, ёшларимизни Ватанга, халққа муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш партиямизнинг асосий вазифалари сирасига киради.

Партиянинг Когон туман кенгаши томонидан ҳам ана шу вазифалар ва аниқ режалар асосида ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Партиямиз аъзоларининг сони кундан-кунга ортиб бораётгани ҳам бунинг ёрқин исботидир.

Ёшлар миллатнинг келажагидир. Ёш авлод вакиллари билан ўтказаётган суҳбат ва мулоқотларимизда кўпроқ улар орасида авж олаётган иллатларни йўқотиш учун нимлар қилиш зарурлиги ҳақида баҳслашиб оламиз. Маҳаллаларда, қишлоқ фуқаролар йиғинларида ўтказилаётган учрашувларда ҳам юртдошларимизнинг партиямиз дастурига қизиқишларини сезмоқдамиз. Биз партиямиз низоми билан ҳар бир учрашувда йиғилганларни яқиндан таништириб бориш фойдали эканлигини ҳис қилдик. Бир сўз билан айтганда, биз — партия фаоллари ҳамиша халқ билан ҳамнафас руҳда иш олиб боришга интилмоқдамиз.

Гулсара СУВОНОВА,
ЎзМТДП Когон туман кенгаши раиси

Савоб ўзи надур?

"Агар қўлингда кўчат бўлиб, бирдан қиёмат бошланиб қолаётган бўлса ҳам уни ерга эк", дейилади Ҳадисда.

Сўзимни бир ибратли ривоят билан бошламоқчиман. Бобокалонимиз Алишер Навоий яшаган даврда қишлоқда ёш, забардаст, оққўнгил бир йигит бўлиб, ҳар куни эрталабдан кечгача одамларнинг оғир ишларига қарашиб юрар экан. Кимнинг араваси лойга ботиб қолса "ҳа-ҳу"лашиб чиқаришиб юборар, хуллас тайинли бир касб эгаси эмас экан. Навоий ҳар куни шу ердан ўта туриб, йигитга таъзим билан салом берар, қуюқ сўрашар экан. Шунда йигит ўзича "бу юришларни ташлаб", илму-савод чиқаришга киришибди. Эрталабдан кечгача китоб ўқиб, тоат-ибодат қиладиган бўлибди. Кунларнинг бирида одатдагидек Навоий ҳазратларини кўриб, югуриб чиқиб салом берибди. Шунда Навоий бобомиз саломга алик олибди-ю, олдингидек эътибор билан сўрашмай ўтиб кетаверибди. Йигит бунинг сабабини сўраса, ҳазрат бобомиз: "Сен олдин ўз ҳаракатларинг билан одамларга фойданг тегиб, савоб ишлар қилардинг, энди бўлса бир жойда ўтириб тоат-ибодат билан машғул бўлиб қолаяпсан, ҳолбуки, бундан бирор кишига нафинг тегаётгани йўқ", — деб жавоб берган экан.

Савоб ҳақида Ҳадиси шарифларда кўплаб сўзлар айтилган. Булар: ота-онанинг розилигини олиш, эъзозлаш, ёши катталарни ҳурмат қилиш, дуосини олиш, одамларнинг оғирини енгил қилиш, ўзидан қолган етимесирларнинг ҳолидан хабардор бўлиш кабилардир.

"Агар қўлингда кўчат бўлиб, бирдан қиёмат бошланиб қолаётган бўлса ҳам уни ерга эк", дейилади Ҳадисда. Мана шундан ҳам кўриниб турибдики, савобни бировлар учун қилган холис ишинг орқали кўпроқ топар экансан, инсон. Бунинг учун эса аввало, инсоннинг қалби тоза, иймони саломат бўлиши лозим. Зеро, ҳазрат Расулуллоҳ (саллоллоҳу алайҳи васаллам) шундоқ деганлар: "...бир кишини йўлдан адашган жойида йўлга солиб қўйишинг садақадур, кўзи ожиз кишига бирон нарсани аниқлаб кўрсатишинг сенга садақадур, йўлдаги тош, тикон ва суякни олиб ташлашинг сенинг учун садақадур. Ўз челагингдан бошқа бир кишининг челагига сув қуйиб беришинг сенинг учун садақадур. Мусулмонларнинг бир-бирларида эзгуликда олтита ҳақлари бор. Агар учрашса, салом беради, чақирса боради, аксирса жавоб қилади, касал бўлса бориб кўради, ўлса жанозасини кузатади, ўзига раво кўрган нарсани унга ҳам раво кўради".

Дунёда ҳар бир нарсанинг жуфти бўлганидек, савоб тушунчасига қарама-қарши бўлган яна бир тушунча борки, бу гуноҳдир. Ота-онани норози қилиш, ёлғон сўзлаш, ёлғон гувоҳлик бериш, ўринсиз қасам ичиш, бегуноҳ кимсанинг жонига қасд қилиш, судхўрлик, ўзгалар ҳақига хиёнат, порахўрлик, зино қилиш кабилар шулар жумласидандир. Менимча, кундалик ҳаётимизда биз ҳар куни қўллаб, ҳар қадамда қилаётган амалларимиз ичида мана шуларга ўхшаш воқеа-гуноҳлар кўплаб учрайди. Масалан, бировнинг дилини оғритиш, ғийбат қилиш, бировнинг устидан кулиш, паст назар билан қараш, кек сақлаш. Зотан, кибрлиларни Тангри таоло ҳам севмас, жаннатидан жой бермас экан.

Бир йигит Пайғамбаримиз (С.А.В) олдига келиб: "Мен бир гуноҳ иш қилиб қўйдим, уни қандай ювсам бўлади", — деб сўрабди. Шунда у киши: "Онанг борми?", деб сўрабдилар. Йигит "йўқ" дея жавоб берибди. "Агар онанг бўлмаса, онангнинг синглиси ёки опасига яхшилик қилиб, кўнглини кўтариб, дуосини олиб, рози қилсанг, гуноҳинг кечирилади", — деб жавоб берган эканлар.

Алқисса, ҳаётда шундай ҳолатлар ҳам бўладики, билмай туриб гуноҳ қилиб қўйган киши, ота-онасининг розилиги, дуоси, яқинлари ёки мазлум, бева-бечораларнинг дуолари билан гуноҳларидан фориғ бўлиши мумкин.

Бобомурод ОДИЛОВ

Ҳунари билан ЭЛГА НАФИ ТЕГАДИ

Миллий ҳунармандчилик анъаналарини давом эттириб келаётган, уй шароитида бўлса ҳам аждодлардан мерос қолган ҳунаридан фойдаланиб, оиласи даврасида бўш вақтини унумли ўтказадиган кишиларга ҳавас қилсангиз арзийди. Ҳунарли киши хор бўлмайди-да! Фарзандлари билан хонадонининг ўзида эзгу иш бошлаб, уни янада ривожлантиришни орзу қилиб юрганларга яхши бўлди. Уйда маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш тадбиркорлик ишини бошлаганлар учун ҳар томонлама манфаатлидир. Тикувчилик, атторлик, ипакчилик, қайта ишлаш соҳасида, мебел ишлаб чиқаришда, электрон саноатида, шунингдек, телекоммуникация, сервис ва хизмат кўрсатиш тармоқларида ҳам касаначиликни ривожлантириш режалаштирилди. Бу эса ишлайман, деганлар учун яхши таклифдир.

«Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармоннинг эълон қилиниши уй шароитида қўлидаги ҳунаридан фойдаланиб, рўзғор тебратаётган юртдошларимизнинг кўнглидаги иш бўлди.

Фармондан кўзланган мақсад уларнинг бошини бир ерга бирлаштириш, ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар сифатини яхшилаш, бунинг учун касаначиларга зарур хомашё ва материалларни етказиб бериш асосида оилавий пудратни ривожлантиришдир. Энг муҳими, иш билан банд бўлмаган аҳолини ишлаб чиқаришга жалб этиш, оила бюджети даромадларини кўпайтиришни кўзлаб бошланган ҳаракат бу!

Фармонга кўра корхонанинг буюртмалари уйда ишлаётган фуқаролар (касаначилар) томонидан меҳнат шартномаси асосида бажарилади. Корхона билан шартнома тузганларга меҳнат дафтарчаси берилади, пенсиялар ва ижтимоий суғурта бўйича нафақалар тайинлашда касаначиларнинг ишлаган вақти меҳнат стажига қўшилади.

Демак, энди уйда ўтириб ишлайман, ҳунарим билан элга нафим тегади, қўлимдан келганича уни ёшларга ўргатиб шогирд орттираман, оиламнинг иқсодий аҳволини ҳам яхшилаб оламан, деган одамларга имкониятлар эшиги очилди.

ЭЛ ҚУВВАТИ — АСКАР ҚУВВАТИ

Мустақиллик йилларида миллий қадриятларимизнинг тикланиши ичида яшаяпмиз. Ўз армиясига таянмайдиган, оилада йигитларни юрт ҳимоячиси сифатида тарбиялаб ўстирмайдиган халқ ўз қадрини йўқотади. Халқимиз тушунчасида ўғил туғилса, авлод давомчиси, юрт ҳимоячиси деб қаралган. Ўзбек халқининг ҳарбий санъати ҳам жуда қадим тарихга ва ўзига хос кўринишларга эга. «Авесто»да ҳарбийлар алоҳида табақа сифатида эслатилади. Юртдошларимиз ҳарбий маҳоратининг донги атроф мамлакатларга ҳам ёйилиб, ҳатто улар жуда қадим замонлардан энг моҳир жангчилар сифатида бошқа мамлакатларда ҳам ёлланма жангчи бўлиб хизмат қилганлар.

Амир Темур даврида эса аждодларимиз ҳарбий санъати ўзининг энг гуллаган даврини бошдан кечирди. Испан қироли элчиси Клавихо Амир Темур аскарларининг маҳоратларига тан бериб, уларнинг қумли саҳролардаги оғир шароитларда ҳам ҳеч нарсани писанд қилмай енгиб кетавериши ҳақида ёзиб қолдирган.

Чоризм мустамлакачилиги ва Шўро мустабид тузуми даврида халқимизнинг ҳарбий санъатига зарба берилди. Бироқ оққан дарё оқаверади, деганларидек, аждодлар анъанаси давом этиб, миллий армиямиз яна ростмана бунёд бўлди. Ўзбекистон ўзининг замонавий ҳарбий кучларини яратди. Дунёнинг илғор мамлакатлари билан биргаликда ўтказилган ҳарбий машғулотларда ўзбек ўғлонларининг маҳорати юксак баҳоланиши улар томирида оқаётган боболардан мерос жасорат туфайлидир. Ҳарбий соҳада кечаётган туб ислоҳотлар, яратилаётган шарт-шароитлар профессионал армиянинг вояга етишига омил бўлмоқда. Ҳозирги ҳарбий қуролли кучларимиз Амир Темур бобомизнинг «Аскари қувватли эл бой бўлур, бой элнинг аскари қувватли бўлур», деган сўзларининг ҳаётийлиги тимсолидир.

Ф.Тошбоев,
ЎзМТДП Жиззах вилоят кенгаши раиси ўринбосари

● *Фельетон ўрнида*

ТЎЙ ПОЙГАСИ ҚАЧОНГАЧА?

Халқимизнинг тўйлари бор бўлсин. Бирон-бир миллатдошимиз йўқки, кўнглида тўй қилсам, қиз узатиб, ўғил уйлантириб, орзу-ҳавас кўрсам, эл олдига дастурхон ёзсам деган нияти бўлмаса.

Кейинги йилларда юртимизнинг турли жойларида, айниқса, йирик шаҳарларда тўйхоналар қуриш авж олиб кетди. Бу ҳам асли тадбиркорликнинг бир тури бўлиб, оммавийлашиб бораётир. Айниқса, Тошкент шаҳрида жуда кўп ҳашаматли тўйхоналар қурилди, янгиларини қуриш давом этаётир.

Яқинда Бухоро шаҳрида бўлганимда гувоҳи бўлдим — шаҳарда уч-тўрт қаватли тўйхоналар қуриш «урф»га кирибди. Қаватларнинг бири тўйхона бўлса, иккинчиси туғилган кунлар ўтказишга мўлжалланган. Қолган икки қавати эса интернет ва турли кўнгилочар ўйинлар ишқибозларига хизмат кўрсатади.

Албатта, тўйхоналарнинг замонавий қилиб қурилаётгани яхши. Ижара ҳақи ҳам шунга яраша белгиланади, яъни тўйхонанинг жойлашган ўрни ва қулайлиги, меҳмонларнинг жойлашуви ва тўйхонанинг хизмат кўрсатиш даражасига қараб.

Тан олиш керак, тўйхонада тўй ўтказиш кўп жиҳатдан қулай, тўй эгаларининг ташвишлари маълум даражада енгиллайди.

— Маҳалладаги стол-стул, қозон-товоқларни йиғиб келиш кўпчиликка малол келади. Турган-битгани ташвиш, чопа-чопдан иборат. Тўйхона эса қулай. Ресторан бўлса яна яхши. Энди, ресторанда тўй қилишни ҳамманинг ҳам чўнтаги кўтаравермайди, — дейди шундай тўйхоналардан бирида ўтаётган тўйнинг эгаси.

— Лекин айрим тўйхоналарнинг нархи ҳам ресторан нархидан қолишмайди-ку? — дейман ажабланиб.

— Қанийди, арзонроқ бўлса...

Ўйлаб кўрсанг, тўй эгасининг фикрлари ҳам тўғридек. Лекин тўйхоналар кўпайгани сари, уларнинг ижара ҳақлари ошиб бораётгани ҳам бор гап. Яна бир ажабланарли томони, дабдабали тўйларни тўхтатиш ҳақида тарғибот кучайгани сари, қўшқават, дабдабали тўйхоналар кўпайиб бормоқда. Бундай чиройли тўйхоналарга эса, албатта, дабдабали тўйлар ярашади. Дабдабали тўйлар кимўзарга ўтказилади ва бунинг натижасида тўй ўтказиш, тўйхона қуриш пойгалари авж олаверади. Бу ҳолни кузата туриб, момоларимизнинг «Бўз кўйлакка жун жияк», каби сўзларини эслаб, на кулишингни биласан, на қуйишингни. Аслини олиб қарасанг, қўр тўкиб турган, шинам ва қулай тўйхоналар шаҳару қишлоқларимизнинг кўркига кўрк қўшиб турганлигидек. Лекин айнан шу тўйхоналар жамиятни табақалаб қўяётгани, бойни бойга, камбағални камбағалга ажратиб қўяётгани йўқмикан?!

Бугунги миллий маънавият ва тарбияга ҳар томонлама эътибор берилаётган бир даврда тўйларни ихчамлаштириш, камтарона ўтказиш йўллари ҳақида жиддий ўйлаб кўрилаётганига, бир неча йиллардан буён бу борада тарғибот ишлари олиб борилаётганига, ҳатто ҳукумат миқёсида қарор ҳам қабул қилинганига қарамай, ҳануз бу муаммонинг тўла ечими топилгани йўқ. Назаримизда, бу ҳолатлар миллий ривожланиш йўлларига тўсиқ бўлаётгандек...

Ҳақли савол уйғонади: ҳашаматли тўйхоналар қуришу, дабдабали тўйлар ўтказиш пойгалари қачонгача давом этади?

Элдорбек АКРОМОВ,
Тошкент Ахборот технологиялари университети талабаси

Миллий тикланишт — миллат истиқлоли
MILLIY TIKLANISH

Навоий маънавиятимиз қуёши

Ҳазрат Навоий ўз замонида «Низом ул-миллати вад-дин» (Миллат ва диннинг низоми) дея эътироф этилган. Бу бежиз эмас. Улуғ бобокалонимиз бугун ҳам миллатимиз низоми, фахри. Зеро, Навоий маънавиятимизни ёритиб турган қуёшдирки, олам қуёши зулматни ёруғликка айлантиргани каби унинг маърифат зиёси кўнгилларни ғуборлардан поклайди. Ушбу файзбахш нурдан бахраманд бўлгандагина камолот ниҳоли гуллаб-яшнайди. Ундан бебаҳралик эса ўзига жаҳолат зулматини раво кўриш билан баробар.

Навоий ҳаёти ва ижодини мукаммал ўрганиш, ибратланиш, улуғ аллома ижодидаги ҳаётбахш ғояларни жамият ҳаётига татбиқ этиш бугуннинг энг долзарб вазифасидир. Бизнингча, бунда биринчи навбатда, улуғ мутафаккир ҳаёти, унинг инсоний фазилатлари, амалга оширган эзгу ишлари хусусида кўпроқ маълумотга эга бўлишнинг аҳамияти чексиздир. Чунки ижодкорнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида теран билимга эга бўлмай туриб унинг асарлари моҳиятини тушуниш ҳам, тушунтириш ҳам имконсиздир.

Шундан келиб чиқиб, машҳур тарихчи, ҳазрат Навоийнинг шогирди Ғиёсиддин Ҳумомиддин ўғли Хондамирнинг «Макорим ул-ахлоқ» асаридаги баъзи маълумотлар моҳиятига назар солмоққа эҳтиёж сезилади. Асар бошдан охир ҳазрат Навоийнинг инсоний фазилатлари, мукаммал ахлоқи, комил сийрати тадқиқига бағишланган. Энг муҳими, Хондамир бу воқеаларни ўз кўзи билан кўрган, уларнинг бевосита иштирокчиси бўлган.

Хондамир Навоий ҳақида ёзар экан, бундай фикрларни баён қилади: «Ҳеч қачон муборак қалбларига фоний дунё молига муҳаббат ғуборини, бу жаҳон ашёсига қизиқиш гардини юқтирмаган эди». Таъкидлаш жоизки, буюк мутафаккирнинг бу фазилати асарларида ҳам ўз ифодасини топган. Бинобарин, улуғ мутафаккир назарида, инсоннинг муҳаббати дунё ашёларига эмас, балки уларнинг яратгувчисига бўлмоғи керак. Кимки дунё молига муҳаббат қўйса, ундай одам на ўзига, на жамиятга манфаат етказади.

Илмнинг жамият тараққиёти ва инсон камолотидаги чексиз аҳамияти барча мутафаккирлар эътиборини тортиб келган. Бунга ҳеч қандай шубҳа йўқ. Лекин, илм дунё молини тўплаш, мансабмартаба орттириш манбаига айланса, жамиятга ундан фойда ўрнига зиён келиши мумкин. Демак, инсоният ҳаётида тутган аҳамиятидан қатъи назар, нимаики "воситаи жоҳ"га айланадиган бўлса, ундан жамиятга ҳам, инсоннинг ўзига ҳам ҳеч қандай наф бўлмайди. Бу жиҳатдан ҳазрат Навоийнинг қуйидаги байти эътиборга моликдир:

Илмни ким воситаи жоҳ этар,
Ўзинию халқини гумроҳ этар.

Иккинчидан, мансаб соҳиблари «кучсизлар ва бўйсунувчиларга шафқат ва меҳрибонлик кўрсатсинлар. Дили яралиларнинг жароҳатига мулойим сўзлар билан малҳам бўлсинлар».

Хондамир ҳазрат Навоий ҳаётидан биз авлодлар учун ибратли бўлган қуйидаги воқеани келтиради: «Ҳидоят насабли Амир (Навоий)нинг ҳар кунги одатлари шу эдики, аср намозини адо қилгандан кейин намозда бўлмаганларни суриштирар, бетоб бўлганлар ёхуд ҳожатмандлар бўлса, улардан ҳол-аҳвол сўрар, беҳад меҳрибончиликлар кўрсатарди.

Бир кун бу одатларига хилоф равишда намоздан кейин тезлик билан уйлари томонга йўлланди ва бирор жойда тўхтамади. Одамлар унинг бу ишидан ҳайрон бўлдилар.

Олий ҳазрат (Навоий) бу ҳолни шундай изоҳлади:

— Мен масжидга келаётганимда, фалон жойда таҳорат қилган эдим. Намоз сафида турганимда елкамда бир чумоли кўрдим. Билдимки, таҳорат қилган жойимда у менга илашган экан. Мабодо у менинг елкамдан тушиб, озор топса ва ўз уясининг йўлини тополмаса, шу сабабдан уволга қоларман, деб қўрқдим. Шунинг учун намоздан кейин тезлик билан таҳорат олган жойга бориб, уни ўз уяси олдига қўйдим, озор етказиш ташвишидан қутулдим.

Олий ҳазратнинг хизматидагилар бу ҳикояни эшитгандан кейин унинг ғоят раҳмдиллигидан ҳайрат денгизига чўмдилар ва тилларини дуога ва раҳмат айтишга очдилар».

Мана комил мусулмонлик! Ахир аждодларимиз чумолига ҳам (!) озор етказишни оғир гуноҳ деб ҳисоблаган. Шундай экан, Навоий ижодини чуқурроқ ўргансак, унинг ҳаёт йўлидан ибрат олсак, улуғ бобокалонимизнинг комил хулқи билан хулқлансак, ундаги фазилатларни ўзимизда тарбия қилишга интилсак, фақат ва фақат фойда кўрган бўлардик.

Ҳазрат Навоий бундай ёзади:

Нафъинг агар халққа бешакдурур,
Билки, бу нафъ ўзингга кўпрақдурур.

Демак, ҳаётда бирор яхшиликка эришаман деган инсон халқ, Ватан ва миллат манфаатини ўйламоғи зарур.

Учинчидан, ҳазрат Навоийнинг фикрича, мансаб соҳиблари «Подшоҳ давлати, халқ ва сипоҳ ишларини тузатиш борасидаги тўғри сўздан қўрқмасинлар ва айтаверсинлар». Мутафаккирнинг бу фикри бугунги кун учун ҳам бениҳоя аҳамиятлидир. Бинобарин, бугунги ислоҳотлардан, ҳуқуқий-демократик жамиятни барпо этиш йўлидаги ҳаракатлардан кўзланган бош мақсад ҳам шу: давлатни бошқаришда наинки мансабдор, балки мамлакатнинг ҳар бир фуқароси фаол иштирок этмоғи зарур.

Тўртинчидан, ҳазрат Навоийнинг фикрича, амалдорлар «Ярамасликлар натижасида одам болалари бошига нималар келганини унутмасинлар, ғурурлик майи билан ўзни маст ва беҳуд қилмасинлар». Мансаб-мартаба инсонга бирмунча имкониятлар беради. Амалдорнинг бир оғиз сўзи билан кўпчиликнинг ҳожати битади ёки нотўғри хатти-ҳаракати боис аксарият одамлар жабр тортиши ҳам мумкин. Мансабдор буни унутмаслиги, беҳуда ғурурга берилмаслиги зарур.

Маълумки, ҳазрат Навоий ўз мартабасидан фақат ва фақат эл манфаати йўлида фойдаланган. Ўз шахсий бойликларини эл шодлиги ва мамлакат ободлиги йўлида ҳеч бир миннатсиз сарф этган. 60 дан зиёд бино ва работлар, 20 га яқин масжид-мадраса, 19 та ҳовуз, 16 та кўприк ва 9 та ҳаммом бино қилгани «Макорим ул-ахлоқ»да алоҳида мамнуният билан қайд этилади. Улар ном-ном саналади. Хондамирнинг ёзишича, мамлакатдаги шунчалик юксак мавқеларига қарамай, «ҳар куни иш бошига ташриф қилар, кўпинча этакни бар уриб, мардикорлар қатори ишлардилар».

Шунчалик олий ҳиммат эгаси бўлганлиги учун ҳам Ҳазрат Навоий ҳар жабҳада биз учун ўрнак. Қуёш чиққанида туман тарқалиб кетгани каби Навоий асарлари ва у ҳақдаги китоблар мутолааси кўнгилларни ҳою-ҳаваслар ғуборидан поклайди. Эзгу ишларга интилиш ҳиссини кучайтиради. Ишонмасангиз, уларни ўқинг, ўзингиз амин бўласиз.

Даврон элининг жисмида ҳам жон бўлғил,
Ҳам жонларига моғи дармон бўлғил.
* * *
Ки ҳар ким аён этса яхши қилиқ,
Етар яхшилиқдин анга яхшилиқ.

НУРБОЙ АБДУЛҲАКИМ,
филология фанлари доктори

• *Мавзуга қайтиб*

Газак олаётган «БАЙРАМ»

- *Кўпга келган тўй...ми?*
- *Ёшлар қаёққа йўл олишди?*
- *Танланг: Заҳириддин Муҳаммад Бобур ёки Авлиё Валентин*

Бундан роппа-роса бир йил аввал шу мавзуда ёзган эдик. Ва кўпчилик газетхонларимизнинг бу борада бизга ҳамфикр эканликларини хатлар, телефон қўнғироқлари орқали билиб, хурсанд бўлгандик. Яширмаймиз, қарши чиққанлар ҳам бўлди. Биз бугун яна шу мавзуга қайтишни истадик. Сабаби, байрамга бу йил ҳам ўта қизғин тайёргарлик кўрилмоқда, гарчи ҳар қанча танқид қилинса-да, бу байрамнинг миллат ёшлари ахлоқига таъсири ҳақида ҳар қанча гапирилган ва гапирилаётган бўлса–да...

Барча байрамларнинг, тадбирларнинг тайёргарлик жараёни қизиқарли бўлади, менимча. Гарчи, мактабни битирганимизга кўп йил бўлмаган бўлса–да, биз ўқиган пайтларда феврал ойи адабий ой ҳисобланарди. Тайёргарлик ишлари ҳам шунга кўра олиб бориларди. Бугунга келиб февралдаги байрамлар қаторига яна бир «байрам» келиб қўшилдики, бу байрамга тайёргарлик ишларининг ўзи катта бир байрам. То шу байрам ўтгунча, аксарият радио бошловчилари, сариқ матбуот дея аталмиш йўналишда чиқадиган газеталар, кўплаб «эстрадамизнинг порлоқ юлдузлари» севги–муҳаббат тарғиботи билан банд бўлади. Хуллас, кўпчиликка иш топилади...

«Тезроқ шу 14 ўтсайди... Нима қилишга бошим қотган», — ғудранади талаба йигит ҳамроҳига. Ҳамроҳ хўрсинади: «Бир гап бўлар. Бошқа нимаям қилардик, кўпга келган тўй–да». Қизиқ, кўпга келган тўй. Бу «тўй» қачон бошланди, қандай бошланди? Биз ким қай йўлга бошласа кетаверадиган даражада майда миллат эмас эдик, шекилли? Бу «тўй»нинг эгалари бошқалар эканлиги номидан ҳам маълум–ку! Нега энди бизда бу «тўй»нинг тарғиботчилари, иштирокчилари кўпайиб бормоқда?

Талабалар шаҳарчасида яшаган пайтларимда «тўйдан олдин томоша» авжига чиқарди. Ким кимга маслаҳат солган, ким кимдан қарз сўраган — хуллас, ҳеч кимни жойидан тополмайсиз. «Замондан орқада қолмаяпманмикан?» — деб иккиланиб ҳам қоласиз. Энг ғалати воқеалар ўша кунларда бўларди. Яъники дугонаси ўзиникидан кўра яхшироқ совға олган, «бўшашган йигити» концертга билет топиб келолмаган қизларнинг йиғи–сиғиси, севгиси туғилибоқ бўғилган йигитларнинг чиранишлари... Бундан ҳам баттари ўша кунги ахлоқсизликлар. Буни асло ёшликнинг шўхлиги деб атаб бўлмайди. Ёшлик истаганингча хато қил, кечирилаверади, дегани эмас.

Ўша кун муносабати билан ўтказиладиган телба–тескари тадбирлар, атрофда бўлаётган мантиқсиз воқеаларни кўриб, ўйланиб қоласан: бу «кўпга келган тўй» йилдан-йилга газак олиб бормаяптимикан? Айнан ўша куни 3–синф болаларининг ҳам севги мактублари бита бошлаганлари бу байрам тобора «суюқ»лашиб бораётганидан далолат. Бу кунни байрам қилаётган тенгдошларимиз, йигит-қизлар таналарига бир ўйлаб кўришса, четдан кузатишса, нишонлаётган байрамлари ўзларига, ўзбек халқига умуман ярашмаётганлигини англасалар керак. Буни англаш учун даҳо даражасида ақлли бўлиш талаб этилмайди.

14 феврални муҳаббатга бағишлаш орзусида ёнаётган FM радиоканалларига ҳайрон қоласан: худди йил давомида фақат 14 февралнинг севишганлар куни сифатида нишонланиши миллатимизнинг урф–одатларига, қадимий анъаналарига умуман тўғри келмайди. Биринчидан, Валентин исмли кимсани, унинг кечмиши, дунёқараши, ғоялари, бошидан кечган фикрлари бизга қоронғу. Иккинчидан, бу кунни байрам қилаётганлар, аввало, ўзларига боқсалар, миллат тарихига назар ташласалар англайдилар, тарихимизда байрам сифатида нишонлашга арзийдиган кунлар кўплигини.

Энг муҳими, 14 феврал биз учун, аввало, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг таваллуд топган куни. Нега биз тарихий сиймо таваллуд топган кунда аллақандай тайинсиз байрам муносабати билан тадбирлар ўтказишимиз керак? Ўша куни мактабларда, олий ўқув юртларида ёшларнинг чалғитадиган севги мактубларини уюштиргандан кўра Мирзо Бобурнинг ғазалларини ёд олдириш, «Бобурнома»дан саҳифалар ўқиш, Бобурхонлик қилиш анъаналарини кенгроқ йўлга қўйиш керак.

Менинг фикримча, инсон кимнидир севиш ёки севилиш учун махсус бир кунни кутмайди. Севги — инсон қалбига дахлдор туйғу. Уни маълум кун учун муайянлаштириш инсоннинг ақлига ҳам, ҳис–туйғуларига ҳам мувофиқ эмас.

Шу ўринда бир воқеани келтириб ўтмоқчиман. Бобурнинг таваллуди байрам қилинаётган кун эди. Мирзо Бобурнинг ҳаёти, ижоди ҳақида суҳбат бўлди, ғазаллари ўқилди. Анжуманга таклиф қилинган машҳур бир хонанда аёл Бобур ғазали билан айтиладиган қўшиқни куйлашдан олдин, тадбир иштирокчиларини, ёшларни севишганлар куни билан табриклади. Залда қий–чув, шовқин–сурон бўлиб кетди. Ўтказилаётган анжуманнинг тарбиявий аҳамияти ҳавога учди. Гўзал овоз бўлгани яхши, аммо фаросатли бўлиш ундан ҳам аълодир.

Баҳодир КАРИМ, ЎзМУ ўқитувчиси, филология фанлари доктори

Муаммо улоҳаза ушоҳада

Ғарб одами ҳисоб–китоб билан яшайди. Қўядиган ҳар бир қадамини кунлар, ойлар, ҳатто йиллар олдин режалаштириб қўяди. Ана шу бажариладиган ишлар қаторига қўяди севгини. Шу сабаб ҳам улар учун алоҳида, севмоқ учун кун керак. Шарқ учун эса севги — ўзича яшайдиган, мустақил ҳодиса. Уни ҳеч қандай режалар, кунлар билан чекламаймиз. Бизлар учун севгининг ягона чегараси — ахлоқ. Шунинг учун ҳам бизда севги яширилади, ҳатто севган инсонингдан ҳам. Биз учун севгидек баланд туйғуни элга овоза қилиб, шовқинли, тубан тадбирлар билан нишонлаш мантиқсизликдан ўзга нарса эмас. Бундай ҳолатнинг оммалашувига зинҳор йўл қўймаслик керак. Чунки руҳоний бирлик бўлмиш ишқни моддийлаштирувга бўлган уриниш миллат кўнглига суиқасддир!

Жалолбек ЙЎЛДОШБЕКОВ, «Гулистон» журнали бош муҳаррири ўринбосари

---

14 февралнинг севишганлар куни сифатида нишонланиши миллатимизнинг урф–одатларига, қадимий анъаналарига умуман тўғри келмайди. Биринчидан, Валентин исмли кимсани, унинг кечмиши, дунёқараши, ғоялари, бошидан кечган фикрлари бизга қоронғу. Иккинчидан, бу кунни байрам қилаётганлар, аввало, ўзларига боқсалар, миллат тарихига назар ташласалар англайдилар, тарихимизда байрам сифатида нишонлашга арзийдиган кунлар кўплигини.

Энг муҳими, 14 феврал биз учун, аввало, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг таваллуд топган куни. Нега биз тарихий сиймо таваллуд топган кунда аллақандай тайинсиз байрам муносабати билан тадбирлар ўтказишимиз керак? Ўша куни мактабларда, олий ўқув юртларида ёшларнинг чалғитадиган севги мактубларини уюштиргандан кўра Мирзо Бобурнинг ғазалларини ёд олдириш, «Бобурнома»дан саҳифалар ўқиш, Бобурхонлик қилиш анъаналарини кенгроқ йўлга қўйиш керак.

Менинг фикримча, инсон кимнидир севиш ёки севилиш учун махсус бир кунни кутмайди. Севги — инсон қалбига дахлдор туйғу. Уни маълум кун учун муайянлаштириш инсоннинг ақлига ҳам, ҳис–туйғуларига ҳам мувофиқ эмас.

Шу ўринда бир воқеани келтириб ўтмоқчиман. Бобурнинг таваллуди байрам қилинаётган кун эди. Мирзо Бобурнинг ҳаёти, ижоди ҳақида суҳбат бўлди, ғазаллари ўқилди. Анжуманга таклиф қилинган машҳур бир хонанда аёл Бобур ғазали билан айтиладиган қўшиқни куйлашдан олдин, тадбир иштирокчиларини, ёшларни севишганлар куни билан табриклади. Залда қий–чув, шовқин–сурон бўлиб кетди. Ўтказилаётган анжуманнинг тарбиявий аҳамияти ҳавога учди. Гўзал овоз бўлгани яхши, аммо фаросатли бўлиш ундан ҳам аълодир.

Баҳодир КАРИМ, ЎзМУ ўқитувчиси, филология фанлари доктори

Ғарб одами ҳисоб–китоб билан яшайди. Қўядиган ҳар бир қадамини кунлар, ойлар, ҳатто йиллар олдин режалаштириб қўяди. Ана шу бажариладиган ишлар қаторига қўяди севгини. Шу сабаб ҳам улар учун алоҳида, севмоқ учун кун керак. Шарқ учун эса севги — ўзича яшайдиган, мустақил ҳодиса. Уни ҳеч қандай режалар, кунлар билан чекламаймиз. Бизлар учун севгининг ягона чегараси — ахлоқ. Шунинг учун ҳам бизда севги яширилади, ҳатто севган инсонингдан ҳам. Биз учун севгидек баланд туйғуни элга овоза қилиб, шовқинли, тубан тадбирлар билан нишонлаш мантиқсизликдан ўзга нарса эмас. Бундай ҳолатнинг оммалашувига зинҳор йўл қўймаслик керак. Чунки руҳоний бирлик бўлмиш ишқни моддийлаштирувга бўлган уриниш миллат кўнглига суиқасддир!

Жалолбек ЙЎЛДОШБЕКОВ, «Гулистон» журнали бош муҳаррири ўринбосари

ганга ўхшашади. Байрам талвасасида шундай ишонч, шундай таъкид билан гапиришадики, худди Севишганлар кунини байрам қилинмаса, осмон узилиб ерга тушадигандек. Ҳар йили шу кунга атаб пойтахтимизнинг муҳташам саройларида махсус концерт берадиган қўшиқчилар ҳам борки, афишаларда битилмиш ёзувларга, радио каналларидаги томоқ йиртишларга кўра улар «ўзбек эстрадасининг порлоқ юлдузлари». Ҳар йилги «анъана»сига мувофиқ Халқлар дўстлиги саройида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Райҳон Ғаниеванинг, «Туркистон» саройида «Афруз» гуруҳининг Севишганлар куни муносабати билан концерт беришларини нима деб изоҳлашга ҳам ҳайронсан, киши!

Баландпарвоздек туюлса ҳам бир гап. Шу «порлоқ юлдузлар»имиз Мирзо Бобур ҳаёти, ижоди ҳақида нима билишаркин? Аёнки Бобурни ўқиган одам ҳеч қачон унинг таваллуд кунида Авлиё Валентин кунини улуғлаб қўшиқ айтмайди. Бобурни тушунишга, уқишга ҳаракат қилиб кўрган инсон бачкана қилиқлардан тийилишга ҳаракат қилади. Ва энг асосийси, ўзининг ўзбек эканлигини ҳеч қачон ёдидан чиқармаслиги кераклигини англайди!

«Битта кунга шунча ваҳимами?» — дейиши ҳам мумкин кимлардир. Лекин Севишганлар кунидаги ахлоқсизликлар, бетайинликлар томир отиб кетса–чи?! Ўша кунда бўлган ва бўлиши тайин кўнгилсизликларга чуқурроқ ёндошилса, бу «бемаслаҳат бошланган тўй»ни чўзиб ўтирмай, фотиҳа бериб қўя қолишни тезлаштириш кераклиги аён бўлади. Токи, кейинги севишганлар авлоди «Ўткан кунлар»ни ўқиб, «Сиз ўшами?» сўроқларига энтикиш ўрнига, елка қисиб, энса қотар даражага бориб етишмасин. Заҳириддин Муҳаммад Бобур билан Авлиё Валентинни фарқлай билишсин.

Зумрад ВАҲОБОВА

ҲАЁТ ҲИКМАТИ



Халқимизда бир ҳикматли ибора бор: «Яхшидан боғ қолади, ёмондан доғ», деган.

«Ҳаётда ҳоҳ амалдор, ҳоҳ оддий инсон борки, ўзидан кейин яхши ном қолдиришни мақсад қилиб яшайди. Шу мақсад инсонни улуғ ишлар қилишга даъват қилади. Дейлик, бир асар ёзган киши ҳам, илмий кашфиёт яратган киши ҳам келгуси авлодларда фахр-ифтихор туйғусини уйғотади. Яна биров борки, нима учун яшаганини ўзи ҳам аниқ билмаган: ундан на яхши ном, на бирон из ҳам қолмайди. Бундай инсон нафс истаги йўлида умрини бой бериб, оламдан ўтиб кетади».

Мана шундай яхши сўзлар билан бошланган Ахтамқул Карим ва Бобомурод Эралиев ҳаммуаллифлигида «Ибратли ҳаёт» деб номланган китоб сурхондарёлик саксон ёшли, даштда боғ яратган, сувсиз лалми ерларда тер тўкиб астойдил меҳнат қилган Носирхон ҳожи бобонинг ибратли ҳаёти ҳақидадир.

Сариосиё мўъжизаси дея мақталиб, «Президент боғи» деб номланган бу тароватли боғга юртимизнинг кўплаб олиму фозиллари, шоир ва ёзувчилари, турли касб эгалари ташриф буюришган.

Ўзбекистон Халқ ёзувчиси Х.Тўхтабоевнинг «Сариосиё мўъжизаси», шоир, публицист Мирзо Кенжабекнинг «Файзли Инсон», Абдураҳим Раҳмоновнинг «Камтарлик улуғлик демак», шунингдек, Усмон Норматов, профессор Аваз Авлиёқулов, Сариосиё тумани ҳокими, сенатор Парда Мадиевларнинг боғ ва боғбон ҳақидаги мақолалари китобга киритилган.

Бу ҳужжатли қиссани ўқир эканмиз, нуроний яратган нурли ҳикматни ҳис қилиб, ҳақиқатан ҳам бу ҳаёт ибратга лойиқ эканлигига амин бўлдик. Зеро, шоир Сирожиддин Саййид айтганидек:

Қай элнингким бордир шундай боғбонлари,
Ўшал элнинг Ватани бор, миллати бор.

Китобдаги ибратли мақолалар, ҳадислару ҳикматларнинг инсон умрига монандлаб ёзилиши ҳайрат ва таҳсинга лойиқ. Сўз ҳикмати бисёр бу китобни ўқиб инсонлар ибрат олса арзийди.

Ўлмасбек ХЎЖАЕВ

• *Суд залидан*

АҚЛ ШОШИБ ҚОЛГАНДА...

«Қўни-қўшничилик — минг йилчилик» дейди халқимиз. Азалдан қўшни оши қўшнига қарз бўлиб келган. Қўшнилар орасидаги аҳиллик, меҳр-оқибат фарзандларга ҳам ўрнак бўлган. Қўшничиликнинг фарзанд тарбиясидаги аҳамияти катта ҳисобланган. «Бир болага етти қўшни ота-она», «Яхши қўшни ота-она, ёмон қўшни бошга бало», деган халқ мақоллари ҳам шундан пайдо бўлган бўлса керак.

Ўзбекчиликда бир яхши одат бор, яхши-ёмон кунда ҳам ён қўшнилар кам-кўстингизни бутлаб, борингизни ошириб, йўғингизни яшириб туради. Аммо баъзида айрим сабаблар билан қўшнилар орасида оқибат йўқолиб қолса... бундан ёмони йўқ. Ана шундай пайтда «тўнини тескари кийиб», «сан-ман»га борадиганлар ҳам кўп. Агар қўшнилар орасидаги келишмовчилик катта жанжалга айланиб, бу иш судгача етиб борса... унда меҳр-оқибат ҳақида гапиришга ҳожат ҳам қолмаса керак.

Бу гал суд залига «бир бирини кўрарга кўзи қолмаган» қўшнилар ва жанжалга гувоҳ бўлган маҳалладошлар йиғилишди.

Оддий бир тушунмовчиликнинг жанжалга айланиб кетиши, тан жароҳати етказишгача етиб бориши, жаҳл устида бир-бирини ҳақоратлашлар уларни суд залига етаклаб келганди. Бир қарашда арзимас келишмовчиликдек кўринган ишнинг судгача етиб келишига ким сабабчи бўлди ўзи?

Судда сўралган гувоҳлардан бири Эргаш Турдибековнинг айтишича, ўша куни кеч соат еттиларда содир бўлганди бу воқеа.

-Кўчада одамлар йиғилиб турганди, Назокатнинг ҳушидан кетганини кўриб, ёрдам беришга шошилдик. Аввалига ҳеч нарсага тушунмадим. Уни кўтариб уйига олиб кирдик. Уни ким урганини кўрмаганман. Кейин билсам, маҳалладошимиз Бобомурод билан опаси Тожи уни уриб, тан жароҳати етказган экан,- дейди Э.Турдибеков.

Воқеага янада аниқлик киритиш мақсадида жабрланувчининг фикрини эшитдик. Назокат Холмуродова ҳақиқатан ҳам ўша куни қўшниси Бобомурод деворни оқлаётган вақтда ўзаро жанжаллашиб қолишганини, Бобомурод уни ҳақорат қилганини, шу орада Бобомуроднинг опаси Тожи келиб қолганини, улар ўзаро жанжаллашиб кетишганини эсга олди. Назокат ўша кунни эслар экан, бироз тин олиб, ўзини тутиб олди-да, йиғилганларга Тожи унинг сочидан тортиб урганини, Бобомурод эса қўлидаги таёқ билан калтаклаганини, охир оқибат келишолмай қолишганини айтди.

Судга оид тиббий экспертизанинг хулосасига кўра Назокатга ўртача оғирликдаги тан жароҳати етказилгани аниқланди. Судланувчи Бобомурод Ҳамдамов айбига қисман иқрор бўлиб, ҳақиқатан ҳам кўча деворини оқлаб қўймоқчи бўлганида қўшниси билан тортишиб қолганини, орада гап-сўз чиқиб, жаҳл устида шундай қилиб қўйганини, ҳозир қилмишидан пушаймонлигини айтди.

Энди воқеанинг яна бир гувоҳи Дилфуза Мамадалиеванинг фикрини эшитинг: «Ўша куни бақир-чақир овозни эшитиб, ховлиқиб кўчага чиқдим. Қарасам, қўшнилар жанжаллашишяпти. Сабабини билсам, арзимас нарсани деб тортишиб қолишибди. Назокат таёқнинг зарбидан ҳушидан кетибди, боши қонаб кетганини кўриб, қўрқиб кетдим...»

Суд мажлисида бошқа гувоҳлар ҳам бўлиб ўтган воқеа ҳақида кўрганбилганларини гапириб беришди. Суд иш ҳужжатларини атрофлича ўрганиб, томонларнинг фикрини эшитиб, Тожи Ҳамдамовага тегишли жиноят ишини амнистияга кўра ҳаракатдан тугатди. Аммо...

Қўшниларнинг орасидан «ола мушук ўтиб» қолиши анча қимматга тушди. Бобомурод билан Тожи опа Назокатнинг касалхонада ётиб даволанишига кетган сарф-харажатлар учун жабрланувчига 200 минг сўмни қайтаришди. Аввал Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 169-модда 2-қисми билан судланиб, ахлоқ тузатиш ишлари жазосига тортилган Бобомурод бу сафар 3 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинди. Панжара ортида ўтирган Бобомуроднинг оиласи учун бу уч йил уч асрдек залворли экани, оғир ўтишини ҳисобга олсак, сўнгги пушаймон душман бўлишдан бошқа нарсага ярамаслигини тушуниб қоламиз.

Сўзимиз сўнгида бир нарсага урғу беришни истардик, қўшнилар орасида бошланган жанжал судгача етиб боришига арзимас бир келишмовчиликдан бошланган хунук воқеа сабаб бўлибди. Албатта, бундай воқеалар ҳаётда учраб туради. Жаҳл чиқиб, ақл шошиб қолган маҳалда «оғирроқ бўлиш»ни ўзига эп кўрмаганлар судланиб, жазога тортилишгача борадилар, энг ёмони бундайларнинг одамлар орасида юзи шувут бўлиб қолади.

Тоҳир ЗАЙНУТДИНОВ,
Жиноят ишлари бўйича Чиноз тумани суди раиси,
Гулбаҳор ОРТИҚХЎЖАЕВА,
«Миллий тикланиш» мухбири

ИНСОНПАРВАРЛИК ТАМОЙИЛИ

Ўлим жазоси жиноят ва жазо тўғрисида ягона қонун ҳужжати Жиноят кодексида бир фоиздан камроғини ташкил этувчи фақат икки жиноят тури — айбини оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш ва терроризм учун қўлланиши назарда тутилган. Эндиликда ана шу жиноятлар учун умрбод ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум этиш етарли деб ҳисобланмоқда.

Деярли ҳамма мамлакатларда узоқ ўтмишдан буён жиноятчиликка қарши кескин кураш чораси сифатида қўлланиб келган ўлим жазосига барҳам бериш ҳозирги долзарб муаммолардан бири бўлиб қолди. Ўлим жазосига оид амалдаги қонунчилигимиз халқаро андозаларга мос. Лекин мамлакатимизда энг инсонпарвар, демократик-ҳуқуқий давлатни шакллантириш учун яна илдам қадамлар ташлашга имконият бор.

БМТ Бош Ассамблеяси 1989 йил 15 декабрида қабул қилган «Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт»нинг ўлим жазосини бекор қилишга қаратилган иккинчи Факультатив баённомасида барча ҳукуматларни ўлим жазосини бекор қилишга ва мазкур баённомани имзолашга чорлайди. Ҳозирги кунда ушбу Баённомага 61 мамлакат қўшилган. Ҳар бир давлат Баённомани ратификация қилиш ёки унга қўшилиш чоғида ўлим жазоси фақат уруш ҳолати вақтида ўта оғир ҳарбий жиноят содир этганларга қўлланиши мумкинлиги ҳақида эслатиб ўтишига йўл қўйилади.

80 та мамлакатда ўлим жазоси бекор қилинган. 15 та мамлакатда фақат алоҳида ҳолларда (ҳарбий жиноятлар учун) ўлим жазоси сақланган. 23 мамлакатнинг қонунчилигида ўлим жазоси сақланган бўлса-да, кейинги ўн йил давомида бу жазо ижро қилинмаган. 78 та мамлакатда ўлим жазоси сақланган бўлса-да, йил сайин бу жазо камроқ қўлланилаётир. Вояга етмаганларга нисбатан ўлим жазоси 1990 йилдан буён 8 марта, чунончи, АҚШ, Хитой, Саудия Арабистони, Покистон, Эрон, Конго, Яман, Нигерия давлатларида қўлланилган.

Афсуски, ноҳақ ўлим жазоси тайинлаш ва ижро қилиш ҳоллари оз эмас. Хусусан, АҚШда 1900-1985 йилларда ўлим жазоси 350 нафар айбсиз шахсга нисбатан ижро этилгани расман тан олинган. Кейинги ўттиз йил мобайнида бу жазога маҳкум этилганлардан 121 киши айбсиз эканлиги аниқланиб, ўлим камераларидан озод қилинган. Кези келганда шуни ҳам эътироф этиш жоизки, собиқ шўролар даврида суд ҳукми ва маъмурий тузилмаларнинг қарорлари, ҳатто олий раҳбариятнинг «розилиги» билан 800 мингга якин ҳур фикрли шахслар «аксилинқилобий» жиноятларда айбланиб, отиб ташлангани кишилик тарихидаги энг аянчли фожиадир.

Шундай қилиб, турли ажнабий мамлакатларда ўлим жазосининг тарихи, уни бекор қилишга йўналтирилган ҳозирги тажриба бу чорани жиноятчиликка карши кураш амалиётидан батамом чиқариб ташлаш лозимлигини тасдиқлайди.

Ноҳақ ўлим жазоси тайинлаш ва ижро қилиш ҳоллари оз эмас. Хусусан, АҚШда 1900-1985 йилларда ўлим жазоси 350 нафар айбсиз шахсга нисбатан ижро этилгани расман тан олинган.

Ўлим жазосини бекор қилишга тайёрланиш амалдаги турли соҳа қонунларига бир қатор ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш масалаларини чуқур ва ҳар томонлама муҳокама этишни тақозо қилади. Энди қонунларимизда ўз аксини топиши лозим бўлган ўлим жазоси ўрнига фақат умрбод озодликдан маҳрум қилишни ёки 25-50 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосини ҳам назарда тутиш, бу жазоларни ижро этиш тартиби ва шароитларини белгилаш, мазкур жазонинг муайян қисмини ўтаганидан сўнг, унинг хулқи, меҳнатга муносабати ва бошқа ижобий хусусиятларини ҳисобга олиб, бу тартиб ва шароитларни енгиллаштиришга йўл қўйиш ёхуд жазодан муддатидан илгари озод қилиш шартларини аниқлаш, жазони ўташ чоғида яна жиноят содир этган ёки жазони ўташ тартибини бузганларнинг жавобгарлиги ва жазолаш меъёрларини белгилаш масалалари турибди.

Ўлим жазоси ўрнига белгиланган озодликдан маҳрум қилиш жазосининг хотин-қизларга, вояга етмаганларга ва 60 ёшдан ошган эркакларга нисбатан қўлланилиши мумкин ёки мумкин эмаслигини ҳам ҳал этиш лозим.

Ўлим жазоси ўрнига узоқ муддатли ёки умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўташ давомида маҳкум хат-ёзишма, учрашув, зарур буюмларни сотиб олиш каби имтиёзлардан фойдаланишга оид меъёрларни, улардан маҳрум этиш ёхуд қўшимча белгилаш шартлари бошқа озодликдан маҳрум этилган маҳкумлар учун кўзда тутилганидан жиддийроқ бўлиши лозимлигини муҳокама қилиш;

- узоқ муддатли ёки умрбод озодликдан маҳрум қилинган маҳкумларнинг меҳнат шароитлари, иш ҳақи, стажи, таътили, пенсия олиши кабилар бошқа маҳкумлар учун белгиланганидан жиддийроқ бўлишини Жиноят ижроия кодексида акс эттириш;

- узоқ муддатли ёки умрбод озодликдан маҳрум қилинганлар турли фуқаровий ва оила-никоҳ муносабатлари — мулкка эгалик ва тасарруф қилиш, муаллифлик, мерос, ҳадя кабилар бўйича, шунингдек, никоҳда бўлиш, никоҳни бекор қилиш, ота-оналик ҳуқуқи, алимент олиш ёки тўлаш ҳуқуқини тартибга солиш;

- узоқ муддатли ёки умрбод озодликдан маҳрум қилинганлар жазони ўташ шароитлари — нормал овқатланиш, кийиниш, дам олиш, маданий-маърифий эҳтиёжларини қондириш, тиббий ёрдам олиш, диний маросимларни ўтказиш кабилар умумий халқаро андозалар талабига мос бўлишини таъминлаш;

- мазкур тоифадаги маҳкумлар тўла ёки қисман реабилитация қилинганда уларга нисбатан қўлланилган мажбурлов чоралари ва ҳуқуқий чеклашлар оқибатида етказилган моддий ва маънавий зиённи қоплаш ҳамда шахсий дахлсизлиги, қадр-қимматини тиклаш зарур.

Бир қанча Оврупа мамлакатларида ўлим жазоси бекор қилинганидан сўнг оғир ва ўта оғир жиноятлар миқдори камайгани, уни қўллаш қайта тикланганда бу хил жиноятлар кўпайгани статистика рақамлари билан исботланган.

Президентимиз таъкидлаганидек: «Ушбу масала етилиб келмоқда ва уни ҳал қилиш лозим, лекин бунинг учун фикримизча, камида икки-уч йил вақт керак. Биринчи навбатда, аҳоли ўртасида кенг тушунтириш ишларини олиб бориш лозим».

Табиийки, матбуотда ўлим жазосини бекор қилишга бағишланган фикр-мулоҳазаларни изчиллик билан, унинг фақат ҳуқуқий муаммоларини эмас, ижтимоий, фалсафий, ахлоқий, психологик, иқтисодий жиҳатларини ҳам ёритиб бериш, аҳолига воқеликнинг моҳиятини тушунтириш айни муддао бўларди.

Ш.ГАНИЕВ,
Тошкент Давлат юридик институти криминалистика кафедраси ўқитувчиси

БЕКОР БЎЛАЁТГАН ЖАЗО

Ўзбекистон Республикасида суд-ҳуқуқ тизимини босқичма-босқич ислоҳ қилишнинг муҳим йўналиши жиноий жазоларни либераллаштиришдан иборат. Сўнгги йилларда қонунларимизга киритилган инсонпарварлик руҳидаги ўзгартиришлар натижасида жиноятларни таснифлаш, оғир ва ўта оғир жиноятлар рўйхатини камайтириш, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган муқобил жазо турларини кенг қўллаш каби дастурий тадбирлар амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 24-моддасида яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир, деб таъкидланган.

1994 йил Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси қабул қилинди. Бу кодексда олдинги Жиноят кодексига қараганда жиноий жазолар анча ўзгартирилди.

Маълумки, кейинги йилларда Президентимиз И.Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қатор сессияларидаги маърузаларида суд-ҳуқуқ масалаларига тўхталиб, унга муҳим устувор йўналишлардан бири сифатида қараб келди. Суд-ҳуқуқ соҳасини ислоҳ қилиш ҳақида, яъни нафақат судларнинг ихтисослашуви ва жиноят содир этган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жараёнларининг кенгайиши, балки жиноий жазоларни либераллаштириш масалаларини ўртага қўйди.

Жумладан, 1995 йил 1 апрелгача амалда бўлган Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 33 турдаги жиноят учун ўлим жазосини назарда тутган бўлса, кейинчалик бундай жиноят турларидан 13 таси қолдирилди. Бундай жазо тури йилдан-йилга камайтириб борилди, яъни 1998 йил 8 та жиноят тури бўйича ўлим жазоси тайинланиши белгиланди.

Бу масаланинг халқаро-ҳуқуқий жиҳатларига эътибор берадиган бўлсак, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар бўйича халқаро пакти ҳамда Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа конвенциясида ўлим жазоси истисносиз равишда ҳар бир инсоннинг яшаш учун бўлган фундаментал ҳуқуқига зид деб эътироф этилган.

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил августда бўлиб ўтган VI сессиясида қабул қилинган "Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни қабул қилинди. Мазкур Қонунга мувофиқ, ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятларга қасддан содир этилиб, қонунда уч йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар, шунингдек, эҳтиёсизлик оқибатида содир этилиб, қонунда беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар кириши белгиланди.

Унча оғир бўлмаган жиноятларга қасддан содир этилиб, қонунда уч йилдан ортиқ, лекин беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар, шунингдек, эҳтиётсизлик оқибатида содир этилиб, қонунда беш йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар кириши белгиланди.

Мол-мулкни мусодара этиш масалалари бекор қилинди.

Ярашув институти жорий этилиб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 66[1]-моддасида кўрсатиб ўтилган жиноятларни биринчи марта содир этган шахс, агар у айбига иқрор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, жиноий жавобгарликдан озод этилиши белгиланди. Иқтисодий жиноятларга доир ишларни кўришда моддий зарарни қоплаганларга қамоқ билан боғлиқ бўлмаган жазолар белгилаш ёки ҳибсхоналарда сақланаётган шахсларга нисбатан судгача ва суд жараёнида эҳтиёт чораси сифатида гаров, кафиллик бериш орқали уларни тилхат асосида озодликка чиқариш каби масалалар белгиланди.

БАҒРИКЕНГЛИКНИНГ ОЛИЙ НАМУНАСИ

2001 йилдан ўлим жазоси 4 та тур жиноят учунгина тайинланди. 2003 йилга келиб эса, бундай жазо тури 2 та жиноят содир қилганларга, яъни жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш ва терроризм жиноятларини содир этганлик учун қолдирилган эди. Лекин Қонунда вояга етмаганларга, шунингдек, хотин-қизларга ҳамда 60 ёшдан ошган шахсларга нисбатан ушбу турдаги жазони қўллаш мумкин эмаслиги қатъий кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 51-моддасида белгиланган бу норма халқаро нормаларда белгиланган 18 ёшга тўлмаган, 70 ёшдан ошган, ҳомиладор ва ёш болали аёлларга нисбатан ўлим жазосини қўлланмаслиги ҳақидаги қоидаларга тўлиқ мос келади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2005 йил 28 январда бўлиб ўтган қўшма йиғилишидаги маърузасида Президентимиз И.Каримов жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишнинг устувор йўналишлари ҳақида гапириб, суд-ҳуқуқ соҳасида ўлим жазосини бекор қилиш масаласини ўйлаб кўриш кераклигини, чунки бу масала етилиб келаётганлигини, шунинг учун бу масалани ҳам ҳал қилиш лозимлигини кўрсатиб ўтдилар.

Шуни таъкидлаш лозимки, давлатимизнинг жиноятга оид сиёсати ўлим жазосини қўллашга нисбатан жаҳон тенденцияларига тўлиқ мос келади ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Асосий Қонунида эълон қилинган инсонпарварлик, бағрикенглик ва одиллик принципларини изчил ифода этади. Лекин гувоҳ бўлиб турганимиздек, мамлакатда олиб борилаётган ислоҳотлар, айниқса, суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш бўйича олиб борилаётган ишларнинг натижалари жазо тури сифатида ўлим жазосининг бекор қилинишини ҳамда уни умрбод ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум этиш жазоси билан алмаштирилиши зарурлигини тақозо этди.

Жазо тизимидан ўлим жазосини чиқариш суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштиришнинг муҳим масаласи ҳисобланди.

Мана, фурсат келиб, Юртбошимизнинг 2005 йил 1 августда имзолаган "Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида"ги Фармони эълон қилинди. Унга мувофиқ, 2008 йил 1 январдан ўлим жазоси жиноий жазо тизимидан чиқарилади.

Мазкур фармон инсоннинг яшаш ҳуқуқини эътироф этувчи ва мустаҳкамловчи халқаро ҳуқуқнинг асосий принципи ва нормаларига, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қоидаларига мос келади.

Мазкур фармонни кўпчилик ватандошларимиз адолатнинг қарор топиши, инсонпарварликнинг, бағрикенгликнинг олий намунаси сифатида қабул қилдилар.

Давлатимиз раҳбари томонидан жамият ва давлат ҳаётини демократик жиҳатдан янада янгилаш, суд-ҳуқуқ тизими ва соҳасида олиб борилаётган ислоҳотларнинг мантиқий ва ҳал қилувчи давоми бўлди.

XXI асрда замонавий ижтимоий муносабатлар учун зарур шарт-шароитларни яратмай туриб, демократлаштириш жараёнларини тўлиқ амалга ошириб бўлмайди. Шунинг учун ўлим жазосининг бекор қилиниши замонавий инсонпарварлик қадриятларига асосланган жамият барпо этиш йўлидаги муҳим қадам ҳисобланади.

Инсоннинг яшаш ҳуқуқини эълон қилувчи ва мустаҳкамловчи кенг миқёсдаги халқаро ҳуқуқларнинг умумэътироф этилган принципларида ва нормаларидан келиб чиққан ҳолда, шунингдек, мамлакатимиздаги вазиятни ҳисобга олиб, Ўзбекистон Республикаси ислоҳотларнинг барча соҳаларида бўлгани каби жиноий жазоларни босқичма-босқич инсонпарварлаштириш йўлида давом этмоқда.

Кейинги йилларда жамиятимизнинг барча соҳаларида олиб борилаётган эзгу ишлар, тадбирлар инсонларни бир-бирларига меҳр ва ҳурмат кўрсатиш, она Ватан учун фидойи бўлиб яшаш, мустақил юртимизнинг ҳар бир қаричини асраб-авайлаш, қадрига етишга ундайди. Шу билан бирга, Президентимизнинг жамиятимизда эзгулик, олижаноблик ва инсонпарварлик муҳитини янада мустаҳкамлашга қаратилган қатор фармонлари биз ёшларни ҳам теран фикрлашга, жиддий мулоҳаза юритишга даъват этади.

Хуршида ДЖАЛИЛОВА,
Ўзбекистон Миллий университети ҳуқуқшунослик факультети талабаси

• Севги саргузаштлари

МАКРИ Ё МУҲАББАТ?

Хабиб ТЕМИРОВ

5. АБДУВАЛИ НЕГА ИККИЛАНДИ?

— Ўша кунлар мен машинасозлик заводининг соғломлаштириш муассасасига маданий ишлар мутасаддиси бўлиб ишга киргандим ва ишхонам яқинидаги бир кампирнинг ғарибона кулбасида ижарада турардим. Кампир асосан шаҳар марказида яшовчи қизиникида тургани учун кўпинча ёлғиз эдим.

Ёлғизлик одамни букади. Ёлғизлик қамоқдан ҳам ёмон. Эзилиб кетдим. Қайнотам боламни бермади. Нима қилишни билмасдим.

Бир куни кечқурун ишдан қайтаётсам, бир машина ёнимга келиб тўхтади. Эшик очилди. Ичкаридан овоз эшитилди:

–Ўтиринг, Меҳрихон, элтиб қўяман.

Машина рулида ўтирган одамни дарров танидим. Бу мен сўроқ бераётган кунларнинг бирида терговда қатнашиб, савол-жавобни унсиз тинглаб, чиқиб кетган одам эди.

— Ўтираверинг, қўрқманг. Мен таҳририятга ёзган мактубингиз ҳақида суҳбатлашмоқчиман. Сизга айтадиган муҳим бир гапим ҳам бор. Эрингизнинг ўлдирилиши билан боғлиқ...

Бу гап мени азбаройи қизиқтиргани учун беихтиёр машинага ўтирдим.

— Сиз мени эсладингизми, — деб сўради у.

— Тергов чоғида бир гал киргандингиз...

— Илгари-чи, илгари кўрмаганмисиз?

— Эслолмадим.

— Оббо сиз-эй, эътибор қилмагансиз-да! Мен тўйингизда иштирок этиб, роса рақсга тушгандим-ку. Ҳукмнинг ҳамкасби Абдували бўламан. Мен ҳақимда Ҳукм ҳам гапирган бўлиши керак.

— Ҳа, гапиргандек бўлувди. Тўйда эса... чиндан ҳам эътибор қилмаган эканман.

— Мен эса эътибор қилгандим. Сиз... жудаям гўзал келинчак эдингиз. Кейин сизни терговда кўрдим. Ёрдам беришга ҳаракат қилдим. Лекин масала оғир эди. Аммо ҳар қалай сизни «иштирокчи»ликдан олиб, «билатуриб хабар бермаганлиги учун», деган моддага ўтказдик, ҳар ҳолда енгиллашди, тез чиқдингиз...

— Раҳмат, менга шунчалик ёрдам қилибсиз... Лекин Жасур ҳам айбсиз кесилиб кетди.

— Сиз нега шундай деб ўйлайсиз? Ахир... ундан бошқа бирон-бир одамнинг на Ҳукмда, на сизда қасди бўлмаган-ку?

— Бўлган.

— Кимнинг?

— Бир одам... Бу ҳақда хатда ёзганман. Ҳукм акам ўша одам унинг қамалишига сабаб бўлганини айтганди. Кейин ўша одам мени йўлдан урмоқчи бўлиб, кўп ҳаракат қилган.

— Ҳукм ўша одам кимлигини айтганмиди сизга?

— Сал мавҳумроқ қилиб айтганди. Ишимга алоқадор одам деган. Бу ҳақда Жасур ҳам оз-моз биларди. Менимча ўша одам... Ҳукм акани ўлдиртириб, бунинг учун Жасурни айбдор қилиб, сувдан қуруқ чиқиб кетди. Аммо...

— Нима аммо?

— Жасур... «ўша одамнинг кимлигини аниқладим», деб ёзган хатида.

— Ким экан? Хат сиздами?

— Хатни ташлаб юборганман, — дедим.

Аслида бу гапим ёлғон эди. Хатни ташламагандим. Кейин... Жасур «ўша одам кимлигини аниқлаган», деган гапим ҳам ёлғон эди... Нега ёлғон гапирдим, билмайман. Ҳарқалай, ёлғон гапириб, уни ҳам, ўзимни ҳам алдадим. Тўғрироғи, бу алдов эмас, ўша нобакорнинг топилажагига илоҳий бир ишонч эди.

— Бекор ташлаган экансиз хатни. Энди гап бундай, ўша одам бундан буён сизга хат ёзса ёки кўнгироқ қилса, дарҳол менга хабар беринг. Мен сизнинг хавфсизлигингиз чорасини кўраман... Сиз, албатта, бу одам шунча пайтдан сўнг пайдо бўлиб, нега менга ғамхўрлик кўрсатаяпти, деб ўйлаётган бўлишингиз мумкин. Бунга ҳаққингиз бор, албатта. Мен сизга... аввалроқ учраб, илгарироқ ғамхўрлик кўрсатишим зарур эди. Нега бундай қилолмаганимнинг маълум бир сабаблари бор. Махсус топшириқ олгандим. Жуда хавфли бир жиноятчилар гуруҳини зимдан кузатиб, фош этиш топширилганди менга... У гуруҳни яқин кунларда қўлга оламиз. Сизнинг ҳаётингиз хавф остида, Меҳрихон! Ўша сизга муттасил қўнғироқ қилиб, васлингизга эришмоқчи бўлган сирли одам ҳам ўша жиноий гуруҳга алоқадорлигини аниқлаганман. Шунинг учун иш тақдирини хавф остида қолдириб бўлса ҳам сизни огоҳлантиришга қарор қилдим. Энди, бундан-буён сизнинг ҳар бир қадамингизни кузатиб, ҳимоя қилиб юришга мажбурман. Сизнинг ҳаётингизни асраш, менинг учун жудаям муҳим, принципиал масала. Бу — орият масаласи. Мен вақтида қадрдон биродарим Ҳукмни асрай олмадим. Энди лоақал унинг оиласини ҳимоя қилишим, унга кўз олайтираётганларнинг жазосини беришим керак...

Абдувалининг гаплари анчайин ишончли туюлди. Унинг телефондаги сирли одам хусусидаги гапларига ҳам бирон эътироз билдириш қийин эди. Ўзим ҳам ўша одамни бирон махфий жиноят гуруҳига алоқадор, деган хаёлга борган эдим.

— Майли, Абдували ака, раҳмат, ҳамонки, мендек бир ғариб, муштипарни ўз ҳимоянгизга олмоқчи экансиз, бу яхшилигингиз Худодан қайтсин...

Шундан сўнг Меҳри ўта қисқа, анчайин мавҳум қилиб, истиҳола билан сўзлагани учун ҳикоянинг давомини анча кейинроқ, Абдувалидан эшитган айрим тафсилотлар воситасида ҳамда ўзим мантиқан қилган тахминлар, чиқарган хулосалар асосида давом эттираман. Бинобарин, айрим ўринларда сал мақобат қилган бўлишим ҳам мумкин. Бунинг учун маъзур кўргайсиз.

— Ҳозир сизни бир ўртоғимнинг чорбоғига олиб бораман. Шаҳардан унча узоқ эмас. Бўш турибди. Тинч, бехавотир жой. Вақтинча ўша ерда яшанг. Кейин яна бир гап бўлар.

— Узоқ эмасми, — деди Меҳри «чорбоғ» сўзини эшитгач, негадир юраги шувиллаб.

— Йўқ. Шаҳар автобуслари қатнайди. Менга қолса... Ишингиздан таътил олиб, бешўн кун дам олсангиз, яхши бўларди. Сал ўзингизга келиб олинг...

— Таътил бермайди, ўзи... яқинда ишга кирганман.

— У ёғидан хотиржам бўлинг, мен бошлиғингизга айттираман. Хўш, кетдикми?

— Билмасам...— деди Меҳри иккиланиб. Шу топда у нима бўлсаям, бу ердан узоқроққа кетиш керак, деган фикрга борди.

Абдували машинани юргизиб, шаҳарнинг кунчиқар томонига, тоғларга туташ Заркент тумани сари ҳайдаб кетди. Йўл-йўлакай Меҳри Абдувалидан кампирнинг ўлдирилиши тафсилотларини суриштирди.

— Жасурдан гумон қилишаётгани ростми?

— Бу тахминлардан бири. Янаям ким билади, дейсиз. Ҳар қалай Жасур йўқ. Уни излашаяпти.

— Яна мени излаб... топиб олмасмикан?

— Шунинг учун сизни хавфсиз жойга олиб бормоқчиман. Қўриқланадиган бехавотир жой.

Чорбоғ туман марказининг четроғидаги кичкина бир қўрғонда экан. Қўрғон деганимиз, ичида беш-ўнтача чорбоғ-ҳовлилар жойлашган, атрофи баланд бетон девор билан ўралган қалъа бўлиб, дарвоза ёнида қоровул турибди. Чорбоғнинг ўзи эса тўғрирокда, қуюқ дарахтзор қўйнида. Қорасув бўйидаги икки қаватли мўъжаз, кўркам иморат. Деворлари баланд. Устидан тиканли сим ҳам тортилган. Ҳовлисининг сатҳи кичкина. Аммо чиройли. Тиниқ сувли чорсидек мармар ҳовузча, атрофида анвойи гуллар. Биринчи қаватда битта кенг меҳмонхона ва ошхона. Иккинчи қаватдаги иккита хона ёпиқ. Ҳамма хоналар дид билан жиҳозланган. Телефон ҳам бор.

— Мана шу камтарона кошона бугундан эътиборан сизники, — деди кулимсираб Абдували хоналарни кўрсатиб бўлгач. Меҳри ҳайрон қолиб, беихтиёр сўради:

— Ўртоғимники, дедингиз-ку!

— Ўртоғим хорижга ишлагани кетган. Қачон келиши номаълум. Шу боис, ўз уйингиздек ҳис қилинг.

Меҳри илк бор Абдувалига қизиқсиниб қаради. Шу пайтгача унга нисбатан қанақадир шубҳа ва гумонларга тўла бўлган кўнглининг тубида бир иликлик уйғонди.

— Бу аслида чорбоғ эмас. Тайёр ҳовли-жой. Қишин-ёзин яшаса бўлади. Ҳамма шарт-шароити етарли. Шаҳаргаям унча узоқ эмас. Мен ҳисоблаганман. Марказгача роппа-роса йигирма чақирим. Автобус ўн беш дақиқада олиб боради.

Меҳри индамай турарди. У бир зум хаёл оғушида қолганди. Шу шоҳона манзилгоҳда доимий яшашни тасаввур этди. Ўғлини олиб келса... Мана шу сўлим ҳовличада чопқиллаб ўйнаб юрса у. Бунинг учун... Меҳри Абдувалига хуштор бўлиши лозимлигини англаб турарди. Акс ҳолда Меҳрининг муаммоларини ҳал этишга бу қадар чини-пишиғи билан ҳаракат қилиб юрмасди. Унинг кўзларида ўлжасини авраб тузоққа яқинлаштираётган овчининг нигоҳи акс этиб турибди. Зеро, бу ҳаётда мўъжизалар ўз-ўзидан юз бермайди. Бошингга оғир кун тушганда ногоҳ ёрдамга келадиган оқ отли шаҳзода эртакларда, киноларда бўлиши мумкин, холос.

«Бадбин бўлма, биров сенга яхшилик қиламан, деб турса-ю, хаёлингдан ўтган гапларни қара. Балким ростакам беғараз яхшилик қилмоқчидир».

Бу қарама-қарши ўйлардан, шубҳа-гумонлардан чарчаб кетди. «Э, бор-э, нима бўлса-бўлар, бошга тушганини кўз кўрар», — деб қўл силтади. Ўзини шўх-шодон, бепарво тутишга ҳаракат қилди.

— Ошхонада, совутгич ичида масаллиқлар бор. Агар малол келмаса бирон овқат пиширсангиз, биргаликда тамадди қилардик, — деди Абдували Меҳрининг чеҳраси очилганидан хурсанд бўлиб.

–Ҳозир...

Меҳри кийимларини алмаштириб, овқатга уннаб кетди. Бир зумда қовурдоқ тайёрлади. Абдували меҳмонхонадаги каттакон столнинг бир чеккасида тўкин дастурхон тузади. Озгинадан шароб ичишди.

(Давоми келгуси сонда)

(Боши ўтган сонларда)

Азиз муштарийлар! Ёзувчи Ҳабиб Темировнинг «Макрми ё муҳаббат?» қиссаси кўплаб газетхонларимиз кўнглининг туб-тубида ётган эҳтиросларга тўла хотираларни тўзғитиб юборган кўринади. Таҳририятимизга келаётган хатлар, қилинаётган қўнғироқлар, мурожаатлар шундан дарак бермоқда. Биз бундан мамнун бўлдик ва шу қарорга келдик: марҳамат, саҳифамиз Сизларга, Сизлар йўллаган дил изҳорларига мунтазир!

ҲОРДИҚ МАНЗИЛИ

Миллий тиклиниш — миллат келажаги
MILLIY TIKLANISH
O'zbekiston "Milliy tiklanish" demokratik partiyasining ijtimoiy, siyosiy, iqtisodiy gazetasi

АСРЛАРГА ТЕНГДОШ ДАРАХТЛАР



Табиат қўйнида бўлсак, ҳар куни бир мўъжизани учратамиз. Ўн саккиз минг оламнинг сир-асрорларини англаганимиз сари ҳаётга меҳримиз ортаверади. Дунёда индамайгина биз билан бирга яшаётган наботот оламининг ҳар бир вакили бизни ҳайратга сола оладиган даражада сирли бир ҳилқатдир аслида. Айниқса, дарахтлар.

Ҳеч кузатганмисиз, асрлар оша яшаб келаётган дарахтларнинг юзларидаги ажинларни. Эътибор берганмисиз, йилнинг уч фаслида янги кўйлак киядиган, қишда эса сокинлик либосига ўраниб оладиган дарахтлар биздан кўра ҳаёт синовларига бардошлироқдир. Она Ер бағрига илдиз отиб, томирлари тупроққа чирмашиб, ҳаётга меҳр боғлаб яшаётган дарахтларда ҳам биз англаб-англамаган ҳикмат бор. Тингланг, улар мозийдан сўзлаб беради.

Сиз кўриб турган суратдаги тут дарахтини Эски Фориш қишлоғида уч асрни кўрган тут, дейишади. Қишлоқнинг кексалари бу дарахт ҳақида эшитганларини ёшларга айтиб беришади доим.

Азиз газетхон, сиз яшаётган ҳудудда ҳам асрларни кўрган кекса дарахтлар бўлса, уларни авайланг! Ва бу ҳақда бизга ёзиб юборишни ҳам унутманг.

● *Ибратли ҳикоятлар*

Ҳалолми ёки ҳаром?

Имом Моликнинг ҳузурига бир кампир келиб дебди:

— Мен кечаси ой нурида турли нарсалар тўқиб, кун кечирар эдим. Бир куни кечаси подшоҳ аскарлари кўчамдан ўтди. Улар кўтарган машъала менинг ҳовлимни ёритиб турди. Бу ёруғликда мен тўқиётган нарсаларимни ҳар доимгидан тезроқ битказдим. Эртасига бу нарсаларни бозорга олиб бориб сотдим. Энди ўша сотган нарсамнинг пулини рўзғоримга ишлатишга ҳайрон бўлиб, ўйланиб турибман. Мен доимо ой нуридан фойдаланиб, тўқиб, тирикчилик қилар эдим. Бу тўқиганим эса ой нуридан эмас, подшоҳ аскарлари кўтарган машъала нуридан ҳосил бўлди. Айтинг, шу пул ҳалолми ёки ҳаром?

Бу ҳолатдан Имом Молик шунчалар ҳайратга тушибдиларки, кўзларидан шашқатор ёш оқибди.

Доно чўри

Бир чўри қиз косада таом келтира туриб, беҳосдан уни хўжайинининг тиззасига тўкиб юборибди. Шунда иссиқ таомдан оёғи куйган хўжайин дарғазаб бўлиб, чўрини уришга чоғланибди. Шу пайт чўри Қуръони каримдан «Аллоҳ яхши бандаларини яхши кўради» оятини ўқибди. Қуръон оятидан таъсирланган хўжайин жаҳлдан тушиб, доно чўрини озод қилиб юборибди.

Бемеҳрда инсоф йўқ

Ҳазрати Умар (р.а) бир кишини узоқ ўлкага ҳоким этиб тайинлаб, қўлига фармон ёзиб берибдилар. Шу пайт Ҳазрати Умар (р.а)нинг жажжи набираси югурганча кириб келиб қолибди. Ҳазрати Умар(р.а) уни даст кўтариб, бағриларига босиб, эркалаб, пешонасидан ўпибдилар. Бояги киши бу ҳолатни кўриб, мийиғида кулибди-да, Ҳазрати Умар (р.а)га дебди:

— Ия, сиз болаларни жуда эркалатар экансиз-ку. Менинг ҳам шундай набираларим бор. Лекин мен уларни эркалатиб талтайтирмайман.

— Эҳ, аттанг, — дебдилар Ҳазрати Умар(р.а).— Мен сени ҳоким этиб тайинлаб, адашган эканман-ку, қани фармонни буёққа берчи, — дебдилар-да, унинг қўлидаги фармонни олиб йиртиб ташлабдилар. Шундан сўнг:

— Бемеҳр кишидан, айниқса, ўз зурриётига меҳр-шафқати бўлмаган кишидан раҳбар чиқмайди, — деб айтган эканлар.

Томас Жефферсоннинг фойдали маслаҳатлари

Машҳур давлат арбоби Томас Жефферсон (1743–1826) ўлимидан аввал, 1825 йилда ўзининг ёш қариндошларидан бирига ўнта қоидадан иборат баённома билан хат ёзди. Ушбу қоидалар ҳамма учун қизиқарли ва фойдали бўлса керак.

1. Бугун бажариш мумкин бўлган ишни эртага қўйманг.
2. Ўзингиз қилишингиз мумкин бўлган ишни бировдан сўраманг.
3. Пулларингизни қўлингизда ушламагунча уни сарфламанг.
4. Бу арзон деган ўйда ўзингиз учун кераксиз бирон нарсани харид қилманг. Чунки, бу сиз учун қиммат.
5. Фахр ҳисси сизга очлик, ташналик ва совуқдан қимматга тушади.
6. Оз таом тановул қилдим деб, ҳеч қачон афсус чекманг.
7. Нимаики ишни ўзинг хоҳлаб бажарсанг, ҳеч қачон оғирлик қилмайди.
8. Бахтсизликларни содир бўлмагандек ҳис қилишга ўргансангиз, тезроқ тинчланасиз.
9. Нарсаларни энг енгил томонидан қабул қилинг.
10. Агар бирон нарсадан жаҳлингиз чиқаётган бўлса, ўнгача, ҳаддан зиёд асабийлашаётган бўлсангиз, бирон сўз айтишдан олдин юзгача сананг.

● *Муштарий илҳоми*

РАХШОНА,
Ўзбекистон Жаҳон тиллари университети ҳалқаро журналистика факультети I боскич талабаси

Ишқнинг кўзларини ёшлаб кетдим мен,
Ҳисларим узоққа бошлаб кетдим мен.
Сизнимас, қалбимни ташлаб кетдим мен,
Лекин тополмадим сиздан яхшисин.

Севардим, баъзида севгидан тондим,
Сизни ёндиргандим, ўзим ҳам ёндим.
Қолдингиз олисда, юраксиз қолдим,
Лекин тополмадим сиздан яхшисин.

Кетдим кўзларимни йўлларга бойлаб,
Дераза олдидан кетмадим ойлаб.
Наҳот унутдим мен дардингиз ёраб,
Ахир тополмадим сиздан яхшисин.

Энди билаяпман бахтнинг қадрини,
Аллоҳдан сўрайман дарахт сабрини.
Гулларга кўмаман севги қабрини,
Энди тополмайман сиздан яхшисин.

ОНАҒИНАМ соғинчлардан яралганми?

***

Олис қишлоқ, олислигинг билинди-ей,
Бу кеч соғинч кўзларимга илинди-ей,
Онам эслаб бағри дилим тилинди-ей,
Онагинам соғинчлардан яралганми?

Остонада кутиб турар ҳар кун ишлар,
Қаерларга чорлайди бу қизиқишлар,
Онагинам, соғинтириб ўтди қишлар,
Онагинам соғинчлардан яралганми?

Бойчечакнинг кулгулари қишдан тортиқ,
Қалдирғочлар Қайқубоддан келган ёрлиқ,
Соғинчларга кўмиляпти бутун борлиқ,
Онагинам соғинчлардан яралганми?

Оҳ, бағрига бола каби чопиб борай,
Осмонлардан орзуларин топиб берай,
Қайтмас бўлиб юрагимни олиб борай,
Онагинам соғинчлардан яралганми?

Ётиш олдидан овқатланинг, семирмайсиз

Олмон олимлари 10 йил давомида 7 мингдан зиёд одамларни тажрибадан ўтказиб, ётиш олдидаги тановулдан эмас, калорияси кучли таомларга ружу қўйганликдан семириб кетиш мумкинлигини аниқладилар. Ҳар қандай йирик шаҳар аҳолисининг тўртинчиси кеч қоронғигача ёки тунги сменада ишлайди ва турган гапки, алламаҳалда овқатга ўтиради. Парҳезшуносларнинг фикрича, агарда кундалик меъёр ошириб юборилмаса, бу қадди-қоматга ҳечам таъсир этмайди. Баъзида одамлар оғир иш кунидан сўнг кечки пайт бирон ширинлик билан ўзларини сийламоқчи бўладилар. Лекин буни енгил, мазали егулик билан алмаштирса бўлади. Бу сизда ортиқча вазн йиғилишига йўл қўймайди, соғлиқни ва келишган қоматни сақлаб қолишга ёрдам беради.

Қочоқ болакай

Эроннинг жанубий-шарқий қисмида йўқолиб қолган бир ярим ёшли бола чўлда бир неча километрлик йўлни босиб ўтганига нима дейсиз? Кичиккина қишлоқда яшовчи жажжи саёҳатчи Али Эсфандиапур ўз уйида ўйнаб ўтирган эди. Тушлик қилиб қайтган ота-онаси уни топишолмади. Унинг изидан бориб, уйларидан тўққиз километр узоқликдаги чўлдан, ирригация канали ёқасидан топишди. Болакай жуда шўх эди, аксарият пайтларда ўз ўйинчоқларини йиртиб ташларди. Хонасидан бошқа хоналарга чиқиб, қўлига илинган буюмларни ҳар ерга улоқтирарди.

Буни қарангки, болакайга ҳеч зиён-заҳмат етмаган, у соғ-саломат эди. Маҳаллий полиция боланинг ота-онасини бундай эътиборсизлик яна бир бор қайтарилса, уларга жуда катта жарима солиниши ҳақида огоҳлантиришди.

С.ШОШИЙ тайёрлади

Биласизми

***

Чақмоқ аксарият ҳолларда эман ва арча дарахтларига уриларкан.

Бир кубметр ёғочдан ярим миллионга яқин тиш тозалагич ишлаш мумкин экан.

***

Аниқланишича, инсоннинг битта соч толасидан ҳам унинг ёши, қайси миллатга мансублиғини аниқласа бўларкан.

***

Бош деворга урилганда танада соатига 150 калория йўқоларкан.

***

Дудуқланадиган одамларнинг саксон фоизини эркаклар ташкил қиларкан.

***

Киприк ва қош толаларининг умри уч-тўрт ойгача бўларкан. Соч толалари эса тўрт–олти йилда янгиланиб тураркан.

***

Оқ айиқлар чапақай бўлишаркан.

О.ЖАББОРОВ тайёрлади

Нафс балоси

Бир чол далада ўтин йиғиб юрар экан, ногаҳон инидан чиқиб ҳолсиз ётган илонни кўрди. Унинг илонга раҳми келди. Ўзи билан олиб келган сутдан идишга қуйиб илоннинг олдига қўйди. Илон сутни ичиб, инига кириб кетди. Кейин яна қайтиб чиқди-да, сут берган одамнинг идишига битта сариқ тилла танга ташлаб қўйди.

Тилла тангани кўрган ҳалиги чол эртасига яна бир коса сут олиб келиб илоннинг ини олдига қўйди. Илон сутни ичди ва эвазига яна ҳалиги кишини тилла билан сийлади. Кунлар шу зайлда ўтаверди. Ҳар куни бир коса сутга — битта тилла танга.

Орадан анча вақт ўтди. У кишининг пули кўпайиб, ҳажга боришни ният қилди. Кетар пайти ўғлини ёнига чақириб, илон ҳақидаги бор гапни унга айтди. «Ҳар куни бориб бир коса сут қуясан, илон сенга биттадан тилла танга бераверади. Илон билан яхши муносабатда бўл, нафсингни қуйига кирма. Токи ҳаддан қайтгунимча, шу амални яхшилаб бажар», деб тайинлади. Шундай қилиб бола илонга сут таший бошлади. Кунлардан бир куни болани шайтон йўлдан урди. Озгина тушиб турган тангаларга қаноат қилмай, илоннинг олдига кетатуриб, қўйнига болтани солиб олди. Нияти биратўла илоннинг инидаги бор бойликка эга чиқиш эди. Илон инидан чиқди. Сут ичаётган маҳал бола болта билан унга ташланди. Илон қочиб улгурмади. Болта келиб унинг думига тегди ва жон ҳолатда болага ташланиб, уни чақди. Бола шу заҳоти ҳалок бўлди.

Ота ҳаддан қайтгач, бўлган воқеани эшитиб, роса ачинди. Охири тақдирга тан бериб, илоннинг олдига борди:

— Кел, ўтган ишга саловат. Яна дўст бўлайлик, — деди. Илон жавоб берди:

— Йўқ, биз энди дўст бўлолмаймиз. Токи сенда фарзанд доғи, менда эса дум аччиғи бор экан, — деб инига кириб кетди.

Ислом ТИЛЛАБОЕВ тайёрлади

Асал — ҳаётбахш

Тиббиёт илмининг султони Абу Али ибн Сино табиатнинг бебаҳо мўъжизаси ҳисобланган асалга ниҳоятда юқори баҳо бериб, ўз асарларида асалнинг хосиятларини қуйидагича келтириб ўтган.

Асал мижозни тозалайди, томир йўлини равон қилади, гўштни бузилишдан сақлайди, чиркли чуқур яраларни тозалайди, иштаҳага барака беради, ҳазмни яхшилайди. Асалли чой балғам кўчирувчи, шамоллашга қарши восита, бедармонликда, силла қуришида ва сил касалликларида қувват бағишловчи, кўз хиралигини кетказувчи таъсирга эга. Асал аччиқтош билан биргаликда ишлатилса, темираткидан халос этади. Яна асал ёшлик, навқиронликни сақлагани учун ҳам қадрли. Ёши 45 дан ошган бўлган кишилар тез-тез асал истеъмол қилиб туришлик лозим. Юрак хасталиклари билан оғриганларга озоздан истеъмол қилиб туришлик тавсия этилади. Асал юрак фаолиятини яхшилайди.

Умуман, асал ҳақида кўпчилик тиббиёт олимлари, шу жумладан, Г.Гертвиг ҳам шундай деган экан. Асал қовуқнинг бўшлиги ҳамда пешобни ушлай олмасликка қарши яхши малҳамдир. Болгар олими Стаймер Младенов эса ундан нафас йўли касалликларини даволашда фойдаланган. У асални ўткир ва сурункали ринит, лорингит, ҳатто зиққинафасни даволовчи омил сифатида беморларга тавсия этган. Шамоллашда сут билан бир дона лимон шарбатини бир стакан асалга аралаштириб ичиш ҳам жуда фойдалидир. Грипп хасталигида асал саримсоқпиёзга аралаштириб истеъмол қилинса, ижобий натижа беради. Бунинг учун саримсоқпиёз тозаланиб, қирғичдан ўтказилади ва тенг миқдордаги асалга қўшиб бир чой қошиқдан қайнатилган сув билан ичилади. Муолажа тўрт-беш кун ичида ўз ижобий натижасини беради. Асални минг бир дардга даво деганларича бор. Унинг шифобахш хусусиятларини санаб интиҳосига етиш қийин. Асал ҳаётбахш омиллар хазинасидир.

Гавҳар ДИЛМУРОДОВА тайёрлади

Халқаро воқеалар

388 КИШИ тирик қолди

Охирги маълумотларга қараганда, Қизил денгизда ҳалокатга учраб чўкиб кетган «Салом-98» пароминнинг 388 нафар йўловчисини қутқариб қолишга эришилган, 244 киши эса ҳалок бўлган.



Расмий доиралар бу рақамлар ҳали ўзгариши мумкин эканлигини таъкидлашмоқда, чунки қутқарув ишлари ҳали-ҳануз давом эттирилмоқда.

Паромда жами бўлиб 1414 киши – 1318 нафар йўловчи ва 96 нафар экипаж аъзоси бор эди.

Ҳозирги кунга келиб 780 киши дараксиз йўқолган деб эълон қилинган.

ЯПОНИЯ олтин-валюта заҳиралари бўйича биринчи

Япония давлати олтин-валюта заҳиралари бўйича янги жаҳон рекордини ўрнатди. Январь ойининг сўнгида бу заҳиранинг жами суммаси 851,67 миллиард АҚШ долларини ташкил этди.

«Бу бир ой олдинги кўрсаткичга қараганда, қарийб 5 миллардга кўп демакдир», дейилади мамлакат молия вазирлиги тарқатган ахборотда. Мутахассисларнинг фикрича, январь ойидаги бу «сакраш» евро қийматидаги қимматли қоғозларнинг долларга нисбатан баҳосининг кўтарилиши билан боғлиқ.

Япония олтин-валюта заҳираларининг аксарият қисмини – 710,5 миллиард долларини хориж қимматли қоғозлари нисбатида сақлайди. Заҳираларнинг 14 миллиарди эса олтин қуймалари ҳисобида туради.

Олтин-валюта заҳиралари бўйича мана кўп йилларки Япония жаҳонда биринчи ўринни қўлдан бермай келяпти. Иккинчи ва учинчи ўринларни ХХР ва Тайван давлатлари эгаллаган.

Ўқитувчига нисбатан ЖИНОЯТ ИШИ ҚЎЗҒАТИЛДИ

Россиянинг Приморя вилояти Партизан райони прокуратураси ўқувчиларни пол ялашга мажбур қилган ўқитувчига нисбатан жиноят иши қўзғатди.

Жиноят иши бир неча ўқувчилар ота-оналарининг мурожаатларидан сўнг, Россия Федерацияси Жиноят кодексининг 156-моддаси («вояга етмаганларни тарбиялаш юзасидан мажбуриятларни бажармаслик») бўйича қўзғатилган.

Хабарларда айтилишча, 2005 йилнинг декабрь ойи охирларида ўқитувчи тўртинчи синфда таҳсил оладиган етти нафар ўқувчини, бошқа болаларнинг олдида, ўзларининг оёқ кийимлари қолдирган изларни тили билан ялашга мажбур қилган.

Бундан ташқари, «домлажон» ўзларини ёмон тутганлари учун бу «омадсиз еттилик»нинг барчасига икки баҳо қўйиб чиққан.

Прокуратура матбуот хизмати бу ҳолат вояга етмаганларга нисбатан нотўғри муомалада бўлиш билан боғлиқ ягона иш эмаслигини қайд этган.

Интернет хабарлари асосида Али БОЙ тайёрлади

ҚАЙИҚДАГИ БЕЛГИ

(ёки содда отахоннинг шаҳарда ўқиётган ўғлига ёзган хати)

Салом тойчоғим! Тез ўқий олмаганинг учун хатимни секин ёзаяпман. Соғликларинг, ўқишларинг яхшими? Мендан сўрасанг, яхшиман. Яқинда янги бир ишга ўтдим. Яхши жой. Қўл остимда бир ярим мингга яқин одам бор. Ҳаммаси интизомли, тартибли. Ёт деган жойингда ётади. Тўғриси, мозорга қоровул бўлдим. Опачанг яқинда кўзи ёриса керак. Бечора роса қийналиб юрибди. Нурпош ромчи учта туғса керак деб юрувди, дўхтирлар аппаратга туширганди, битта дейишаяпти. Туғаверсинчи, кўрамиз. Ҳа, айтганча, Абдурайим амакинг дўкон очди. Солиқ тўламасликнинг зўр йўлини топибди: молни ўттиздан олиб йигирмага сотади... Мамарайим амакинг қишлоққа мелиса бўлди. Энди хотини Ойпош бироз ҳайиқадиган бўпти. Шўрлик, уйдаям формасини ечмай юриптийкан. Кичкина уканг роса ақлли чиқди-да.. Кечаги куни томга чиқволиб, қўлида чўпга бойланган ип тутиб турибди. Ҳой, ...дар лаънати, нима қиласан томда, пастга туш десам, об-ҳаво аниқлаяпман, дейди. Ана калла-ю, мана калла. Пастга тушгандан кейин пешонасидан ўпиб қўйдим. Вей, ўшанда билибман занғарни пешонасини дўнглигини. Бир бало чиқади бунингдан. Сен бу ёшда жа унақа эмасдинг. Ҳозир ҳам ақлинг жойидамасга ўхшайди. Юрак дўхтири бўламан деб юрибсан. Ундан кўра, тиш дўхтири бўлсанг яхшийди. Чунки одамда юрак биттагина, тиш — 32 та. Ўйлаб кўр, қайси бири фойдали?

Анови маймоқ тоғанг билан балиққа боргандик. Қайиқда ўтириволиб роса тутдик. Эртасига ҳам борганимизда, кечаги жойга белги қўйдингми, десам, сувда белги турмайди-ку, қайиқни бир четига чизиб қўйганман дейди. Қайиққа тўғри чизмаган эканми, ҳайтовур, бугун биттаям тутолмадик. Болам сен шаҳарда ҳушёр бўл, нима кўп — ҳозир алдоқчи кўп, пулингни шилволади. Соли сўлиқ тунов куни шаҳарга борганакан, автобусга билетни кўрсатса, калдўхтир дегани ўтмайди депти. Нега ўтмас экан, ўтади, боягина олдим-ку, кетаётганимда ўтган, қайтаётганимда ўтмайдими, деса калдўхтир барибир унамапти. Айтганча, юборган расмингин олдик. Уч киши тушган экансилар-а? Ҳа, ота ўғил. Иккита қиз билан...ҳалигинақа... расмга тушибсан-а! Мақтаганимга талтайиб кетма, гаплашсанг битта-битта гаплаш... Яна айтай десам гап кўп-у, энанг чақириб қолди. Бормасам, қўлоқ-бошимни еб кўяди, ижикилаб.

КОНВЕРТ УСТИДАГИ ЁЗУВ: Ўғлим хатни ичига озроқ пул солмоқчийдим, конвертни ёпиб қўйибман. Майли, кейинги safар юборарман.

Бобомурод ОДИЛОВ

БИР ЧИҚДИМ КУЛГИ

Афанди бир куни ярим кечаси магазиннинг қулфини темир арра билан арралаётган экан. Шунда уни бир йўловчи кўриб қолибди.

— Афанди, нима қилаяпсиз?

— Ғижжак чалаяпман.

— Ғижжагингизнинг овози чиқмаяпти-ку?

— Ғижжакнинг овозини эртага эшитасиз.

***

— Уялмайсизми, мени алдагани? Сиздан сотиб олган хўрозим ғирт дангаса экан-ку!

— Нега ундай дейсиз?

— Қўшнимизнинг хўрози қичқирса, бу калласини ликиллатиб, тасдиқлаб кўяди, холос.

Муассис: «Миллий тикланиш» демократик партияси
MILLIY TIKLANISH
Миллий тикланиш — миллат келажаги
O'zbekiston "Milliy tiklanish" demokratik partiyasining ijtimoiy, siyosiy, iqtisodiy gazetasi

Таҳрир ҳайъати

Телефонлар: қабулхона — 133-67-51, 136-56-29, бўлим — 136-58-80,
реклама ва эълонлар бўлими — 136-58-73

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.
Саҳифаловчи: Шерзод ҲАЙИТМУРОДОВ
Босишга топшириш вақти 20.00
Нашр кўрсаткичи — 158

Газета 014-рақам билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма: Г — 423.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Адади 2090
Сотувда эркин нархда

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Босишга топширилди 20.00